

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳуқуқида

УДК: 947.575.1

Холмирзаев Нодиржон Низомжонович
“Темур ва темурийлар давлатида солиқ тизими”

5 А 2202201 – Ўзбекистон тарихи мутахасислиги бўйича
магистрлик академик даражасини олиш учун

МАГИСТРЛИК
ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар :

Тарих фанлари номзоди

Б. А. Усмонов

Фарғона 2012

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....	3-10
1БОБ. Амир Темур ва темурийлар даврида ер эгаллиги шакллари ва унинг солиқ тизимига таъсири.....	11-34
1.1 Амир Темур ва темурийлар даврида ер эгаллиги шакллариининг тарқалиши.....	11-19
1.2 Суюрғол ва иқто ер эгаллиги шакллариининг ўзига хос хусусиятлари ва солиқ имтиёзлари.....	20-34
2БОБ. Амир Темур ва темурийлар давлатида солиқ ва молия тизими.....	35-
2.1 Солиқ турлари, уларни йиғиб олиш тартиби ва ҳазина назорати ҳақида.....	35-62
2.2 Солиқ тизимидаги қонунбузарликлар ва уларга қарши кураш тарихидан.....	63-71
Хулоса.....	72-75
Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар.....	76-79

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ёритишга тарихимизнинг бошқа кам ўрганилган саҳифалари қатори кенг имкониятлар берилди. Мана шу имкониятдан самарали фойдаланиш натижасида биз тадқиқ этаётган давр тарихига оид кўплаб тарихий манбалар ўзбек тилига таржима этилди ва нашр қилинди. Ушбу тарихий манбаларнинг кенг илмий истеъмолга киритилиши Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ўрганувчилар учун жуда катта қулайлик туғдирди. Бунинг натижасида Амир Темур ва темурийлар тарихини ўрганишга бағишланган тадқиқотларнинг сони ва илмий савияси ҳам анчагина ошди.

Лекин шунга қарамай Амир Темур ва темурийлар даври тарихига бағишланган кўплаб илмий ва илмийоммабоп тадқиқотлар асосан ижтимоийсиёсий, маъданий, илмий, маънавий ва бошқа масалаларни қамраб олган бўлиб, ушбу даврнинг ижтимоийқисодий тарихини ёритишга катта эътибор қаратилаётгани йўқ.

Ҳозирги кунда Мустақил Ўзбекистон ўз солиқ сиёсати амалга оширилмоқда. Ишлаб чиқарувчиларга ва аҳолига нисбатан солиқ юки ҳар йили бир неча фоизга камайтириб борилмоқда. Ўзбекистоннинг солиқ сиёсатини халқ оммасига чуқурроқ тушунтириш ва уларда солиқ саводхонлигини ошириш борасида ҳам бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Масалан, барча олий таълим даргоҳларида таҳсил олаётган талабаларга “Солиқ ва солиққа тортиш” махсус курсини ўқитилаётганлиги ҳам бунга ёрқин мисол бўла олади.

Шундай экан тарихимизнинг энг ёрқин саҳифаларидан бири бўлмиш Амир Темур ва темурийлар давлатида солиқ сиёсатининг қай тарзда олиб борилганлигини ўрганиш ҳам илмий , ҳам амалий аҳамиятга эга эканлиги шубҳасиздир. Шундан келиб чиқиб халқимизнинг солиқлар соҳасидаги тажрибаси ва тарихини ўрганиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан

бири бўлиб қолмоқда. Шундан келиб чиқиб биз бу борада ҳам “ ... ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуролантиришимиз зарур.”¹ Чунки, президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганларидек: “Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ”².

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Магистрлик диссертацияси учун танланган мавзу тарихшунослигимизда айнан биз танлаган шаклда бўлмасада, маълум даражада ўрганилган мавзулардан биридир. Мустақиллик йилларида эса ўрганилаётган мавзуга яқин айрим илмий тадқиқотлар яратилган.

“Амир Темур жаҳон тарихида” деб номланган фундаментал тадқиқотнинг “Ер эгалиги, молия ва солиқ турлари” бўлимида ушбу мавзу бўйича тўлиқ бўлмасада маълумотлар берилган³. Бу асарда Амир Темур ва темурийлар даврида ер эгалиги шакллари ва уларнинг берилиш тартиби, шунингдек, ҳуқуқ ва имтиёзлари тўғрисида ҳамда ушбу ерлардан олинадиган солиқ ва тўловлар ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган. Амир Темур ва темурийлар даврида молия тизими ва ундаги қатор ўзгаришлар хусусида ҳам жуда қизиқарли фактлар берилган. Амир Темур молия соҳасида катта ишлар амалга оширганлиги, бу соҳада қатор янгиликларга қўл урганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Солиқ тизими ҳақида эса берилган маълумотлар жуда кенг бўлмасада, солиқ тизимидаги асосий тамоиллар ёритиб берилган.

Шунингдек , “Темур ва Улуғбек даври тарихи” асарида ҳам солиқ тизими ҳақида бир қатор маълумотлар берилган. Ушбу маълумотларда ҳам ер эгалиги шакллари, уларнинг ҳуқуқ имтиёзлари, солиқ борасидаги ўзига

¹ Каримов И. А. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ». Мулоқот, 1998. № 4, Б. 13

² Каримов И.А. Юксак маънавият -енгилмас куч – Т.:Маънавият. 2008. б. 4.

³ Амир Темур жаҳон тарихида / Масъул муҳаррир: Ҳ. Кароматов. Муаллифлар жамоаси: С. Саидқосимов (раҳбар), А.Аҳмедов, Б. Аҳмедов ва бошқ. Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри. - Т.: Шарқ, 2001. Б. 110-112

хос томонлари хусусида сўз юритилган. Лекин бу асарда солиқ тизими масаласига алоҳида эътибор қаратилмаган.⁴.

Биз танлаган мавзу бўйича айрим тадқиқотлар олиб борилганлиги ҳамда диққатга сазовор фикрлар билдирилганлигидан қатъий назар, мазкур муаммо алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида яхлит тарзда ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг асосий мақсади миллий мафкура ва миллий ғоя асосида тарихимизнинг ёрқин саҳифаларидан бири бўлмиш Соҳибқирон Амир Темур ва Темурийлар давлатида солиқ тизими муаммосини тарихий манбалар асосида чуқур илмий таҳлил этишдир.

Тадқиқотнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгиланди:

- Амир Темур ва темурийлар давлатида мавжуд бўлган ер эгаллиги шакллари ёритиб бериш.
- Амир Темур ва темурийлар давлатида кенг тарқалган ер эгаллиги шакллари хуқуқ ва имтиёзларини тадқиқ этиш
- Ер эгаллиги шакллари солиқ тизимига таъсирини кўриб чиқиш
- Амир Темур ва темурийлар давлати мавжуд солиқ турлари ва уларнинг ўзига хос жиҳатларини ёритиб бериш
- Амир Темур ва темурийлар салтанатида молия тизими ва ундаги ўзгаришларни ёритиб бериш
- Молия ва солиқ соҳасида олиб борилган назораттафтиш ишлари ва унинг натижаларини ўрганиш
- Солиқ тизими ишлаб чиқаришни қўллаб қувватлашга қаратилганлигини ёритиб бериш

⁴ Темур ва Улуғбек даври тарихи/ Бош муҳаррир – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Аҳмадали Асқаров. Масъул муҳаррир Оқилхон Одилхон – Т.: Комуслар Бош Таҳририяти. 1996. Б.113-165

- Халқнинг солиқлардан озод этилиш ҳолатлари ва унинг сабабларини ўрганиш

Тадқиқотнинг манбавий асосини ўрта аср муаллифларининг тарихий асарлари ташкил этади.

Амир Темур ва темурийлар давлатида солиқ тизими тарихини ўрганишда Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома ” асари ҳам муҳим аҳамиятга эга⁵. 1402 йили Темур унга ўзининг тарихини аниқ ва содда тилда ёзиб беришни буюрган. Низомиддин Шомий бу асарни 1402—1404 йиллар орасида ёзиб тамомлаган. Асар буюк жаҳонгирнинг ҳокимият тепасига келиши (1370 йил)дан то 1404 йилгача бўлган воқеаларни ўз ичига олади. «Зафарнома» ҳақиқатан ҳам содда тилда, равон услубда ёзилган; далилий маълумотларга бой. Лекин, Темурнинг ҳаёти мазкур асарда бирмунча (лекин Шарафуддин Али Яздийга нисбатан камроқ) идеаллаштирилган.

Асар Ўзбекистон, Қозоғистон, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV аср бошларидаги ижтимоийсиёсий тарихини ўрганишда муҳим ва ишончли манбалардан бири ҳисобланади.

Шомий мазкур асарни ёзишда Амир Темурнинг уйғур котиблари томонидан туркий тилда ёзилган «Тарихи хоний» номли шеърый асари ва бошқа асл нусха асарлардан фойдаланган.

«Зафарнома»нинг иккита таҳрири мавжуд: 1) 1404 йили Амир Темур Озарбайжон юришидан қайтганда унга тақдим этилган нусха. Номи маълум эмас. 2) Мироншоҳнинг ўғли Мирзо Умарга (1404 йил 26 мартда Амир Темур Қорабоғда эканлигида унга «Ҳалокухон тахти»ни, яъни Фарбий Эрон ҳамда Озарбайжонни инъом қилган) пайтида тақдим қилинган. У юқорида қайд этиб ўтилган биринчи нусхадан деярли фарқ қилмайди. Асар «Зафарнома» деб аталади. Унга айрим услубий тузатишлар киритилган ва дебоча ҳамда

⁵ Низомиддин Шомий. Зафарнома/Форс тилидан ўгирувчи – Ю. Ҳакимжонов. Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир – А. Ўринбоев. Изоҳлар ва луғатларни тузувчи – Ҳ. Кароматов (жуғрофий номлар изоҳи – О. Бўриевники). Ҳофизи Абрунинг «Зафарнома»га ёзган «Зайл»и – («Илова»)ни форсийдан ўгирувчи ва изоҳларни тузувчи – О. Бўриев. - Т.: Ўзбекистон, 1996.

Мирзо Умарга бағишланган кичик бир илова (зайл) кўшилган. Шунга караганда, Низомиддин Шомий умрининг сўнгги йилларида Мирзо Умар хизматида бўлган ва юрти Табризда истиқомат қилган.

«Зафарнома»нинг қўлёзма нусхалари Арманистон (Ереван, Мазандарон)да, Англия, Франция, Ироқ ва Туркия кутубхоналарида сақланмоқда. Асарнинг матни 1937 ва 1956 йиллари Прагада чоп этилган. Унинг туркчаусмонлича таржимаси (1949 й.) ҳам бор. Ундан айрим парчалар рус ва француз тилларида эълон қилинган.

Шарафуддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асари Низомиддин Шомийнинг шу номли асари асосида ёзилган. Унинг афзал жиҳати шундаки, Низомиддин Шомий асарида баён этилган воқеаларнинг айримлари оригинал манбалар асосида янги факт ва далиллар билан бойитилган. Ва яна воқеалар баёни 1409 йилгача давом эттирилади. Унинг яна бир муҳим қиммати шундаки, у зўр бадийий услубда ёзилган.⁶

Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида Амир Темурнинг шахси ниҳоятда идеаллаштирилган. Шунга қарамай, унинг шахсияти ва фаолиятидаги қарамақаршиликлар, яъни унинг бир томондан қаттиққўл эканлиги, иккинчидан эса Мовароуннаҳрдаги тарқоқликка барҳам бериб, марказлашган давлатга асос солганлиги бирмунча ҳаққоний ва тўғри ёритилган.

Шарафуддин Али Яздий асарининг зўр қиммати шундаки, унда Мўғул империясининг таркибида ташкил топган Олтин Ўрда, Элхонийлар давлати, Чиғатой улуси, шунингдек Мовароуннаҳрнинг Чингизхон замонидан то Темур давлатининг пайдо бўлишигача бўлган ижтимоийсиёсий тарихи қисқа тарзда ёритиб берилган. Асарнинг бу қисми «Тарихи жаҳонгир», ёки

⁶ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Мовароуннаҳр воқеалари. 1360-1370. /Форс тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Омонулло Бўриев. Масъул муҳаррир, сўз боши муаллифи ва нашрга тайёрловчи Асомиддин Ўринбоев. -Т.: Камалак, 1994.- 288 б;
Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. /Сўз боши, тадбил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи ва нашрга тайёрловчилар: А.Аҳмад, Ҳ.Бобобеков-Т.: Шарқ, 1997. - 384 б.

«Муқаддимаи Зафарнома» номи билан аталади ва 1419 йили ёзиб тамомланган.

«Зафарнома»нинг асосий қисми, муаллифнинг дастлабки режаларига кўра, уч қисм (мақола)дан иборат бўлмоғи, биринчи қисмда Амир Темур тарихи, иккинчи қисмда Шохруҳ ва ниҳоят, учинчи қисмда Иброҳим султон даврида бўлиб ўтган воқеалар баён этилиши мўлжалланган эди.

Лекин, ҳозир асарнинг биринчи қисмидагина мавжуд холос. Унинг иккинчи ва учинчи қисмлари сақланмаган. Манбашуносларнинг фикрича ёзилмай қолган бўлиши керак. «Зафарнома» нинг асосий қисми 1425 йили ёзиб тамомланган.

Асарнинг кўлёзма нусхалари кўп ва хорижий мамлакатларнинг кутубхоналарида сақланмоқда. Ҳиндистон (1885-1888 йй.) Эрон (1957 й.) ва Тошкентда (1972 й.) чоп қилинган. Асар ўзбек, инглиз, француз ва турк тилларига таржима қилинган. Ундан айрим парчалар инглиз ҳамда рус тилларида босилган.

Абдураззоқ Самарқандий Эрон, Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг XIV—XV асрлардага ижтимоий-иқтисодий ва маъданий ҳаётдан, шунингдек, Темурийлар давлатининг кўшни мамлакатлар (Ҳиндистон, Хитой ва б.) билан иқтисодий, сиёсий ва маъданий алоқалари тарихидан баҳс юритувчи «Матлаъ уссаъдайн ва мажмаъ улбаҳрайн» («Икки саодатли юлдузнинг чиқиш жойи ва икки азим дарёнинг қўшилиш ери») деб аталувчи асари ҳам бизнинг тадқиқотимиз учун муҳим манбадир⁷.

«Матлаъ уссаъдайн» икки қисм (дафтар)дан иборат: 1) Элхон Абу Саъид (1316-1335 йй.) давридан то Амир Темурнинг вафоти ва Халил Султоннинг Самарқанд тахтига ўтиришигача бўлган давр (1405 йил) тарихи ва 2) Шохруҳнинг Темурийлар империясининг олий ҳукмдори деб эълон

⁷ Абдураззоқ Самарқандий. Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-баърайн. / Форс – тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли луғатлар тарих фанлар номзоди А. Ўринбоевники. -Т.: ФАН. 1969;
Абдураззоқ Самарқандий Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн/ Форс – тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли луғатлар муаллифи А. Ўринбоев – Т.: Ўзбекистон.2008

килиниши (1405 йил)дан то Темурий Абу Саъиднинг ўлдирилиши (1469 йил)гача бўлган тарихи. Асарнинг 1427 йилгача бўлган даврни ўз ичига олган қисми компиляция бўлиб, Ҳофиз Абрунинг юқорида номи тилга олинган «Мажмуъ аттаворих» китоби асосида ёзилган. «Матлаъ уссаъдайн»нинг иккинчи қисми, хусусан унинг 1427-1469 йиллар воқеаларини ўз ичига олган қисми асл нусха бўлиб, Эрон, Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг шу давр ичидаги ижтимоийсиёсий тарихи ва маъданий ҳаётини ўрганишда асосий манба вазифасини ўтайди.

Абдураззоқ Самарқандий ва унинг мазкур асари рус ва хорижий мамлакатлар олимлари (Б. А. Дорн, В. В. Бартольд, В. Ф. Минорский, А. Ю. Якубовский, И. П. Петрушевский, Б. Г. Гафуров, А. Ў. Ўринбоев, Б. А. Аҳмедов, М. Е. Катрмер, М. Шармуа, А. Галлан, Муҳаммад Шафеъ ва б.) томонидан биринчи даражали тарихий манба сифатида юксак баҳоланган.

«Матлаъ уссаъдайн»нинг кўлёма нусхалари СанктПетербург, Тошкент, Душанбе шаҳарлари ва хорижий мамлакатлар (Англия, Франция, Ҳиндистон, Эрон ва б.)нинг кутубхоналарида сақланмоқца.

Асарнинг матни (иккинчи дафтари) покстонлик шарқшунос олим Муҳаммад Шафеъ тарафидан 1941 ва 1949 йилларда Лоҳурда чоп этилган. Айрим парчалар рус, инглиз, француз ва турк тилларида эълон қилинган.

Тадқиқотимиз учун яна бир муҳим манба Ибн Арабшоҳнинг “Амир Темур тарихи” асари ҳисобланади. Ибн Арабшоҳ (1389—1450 йй.) Амир Темур тарихига атаб китоб ёзган тарихшунос олим. Тўлиқ исмишарифи Шаҳобуддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Иброҳим. 1401 йили Амир Темур Шом (Сурия)ни эгаллагандан кейин у онаси, биродарлари билан бирга, бир гуруҳ шомлик олимлар, меъморлар ҳамда фозил кишилар орасида Самарқандга олиб келинган. Ўша вақтда ибн Арабшоҳ 12 ёшларда эди. У ҳазрат соҳибқироннинг топшириғи билан саройда тарбияланди. Саййид Шариф Муҳаммад Журжоний (1339—1413 йй.) ва Шамсуддин Муҳаммад Жазоирий (1350—1449 йй.)лардан таълим олди; форс, турк ва мўғул

тилларини ўрганди. 1403—1436 йиллар ичида кўп мамлакатларга: Хитой, Мўғулистон, Дашти Қипчоқ, Қримга борди.

Ибн Арабшоҳ Амир Темурга атаб «Ажойиб улмақдур фи тарихи Теймур» («Темур тарихида тақдир ажойиботлари») деган катта бир китоб ёзган. Асарда муаллиф Самарқандда саёхатда бўлган чоғида кўрган ва эшитганлари, замондошларининг ҳикоялари асосида олган таассуротларини ёзади. Лекин, китобнинг кўп жойларида унинг Амир Темурга нисбатан ғарази борлигини сезамиз. Шунга қарамай, асарда Амир Темурнинг феълатвори, олижаноб фазилатаари ва фаолиятига холисона ёндашилганини ҳам кўрамиз.

Асарнинг нодир бир нусхаси (1492 йили кўчирилган) Дамашқ (Сурия)даги «АзЗахирия» кутубхонасида сақланмоқда. «Ажойиб улмақдур»нинг нашрлари бор. У 1887—88 йили Коҳирада, кейин Голландияда чоп этилган. Асарнинг тўла ўзбекча нашри 1992 йили У. Уватов тарафидан амалга оширилган⁸.

Магистрлик тадқиқотининг илмий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, унда Амир Темур ва темурийлар давлатида солиқ тизими тарихини таҳлил этиш жараёнида Амир Темур, Шоҳруҳ мирзо, Улуғбек мирзо, Абу саид мирзо, Султон Ҳусайн Байқароларнинг ҳаёти ва давлатчилик фаолиятини айрим қирралари чуқур ўрганилди ҳамда баъзи масалаларга ойдинлик киритилди.

Магистрлик тадқиқоти натижалари ва ундаги хулосалар темурийлар давлатида ҳукм сурган солиқ ва молия тизими тарихини ўрганишга ёрдам беради.

⁸ Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи /Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳларни У.Уватов тайёрлаган. Маъсул муҳаррир А.Ўринбоев. -Т.: Мехнат, 1992.

I БОБ Амир Темур ва Темурийлар даврида ер эгалиги шакллари ва унинг солиқ тизимига таъсири

1.1 Амир Темур ва темурийлар даврида ер эгалиги шаклларининг тарқалиши

XV аср давомида Мовароуннахр ва Хуросонда аввалгидек ер ва мулкчиликнинг асосан тўрт шаклидаги: мулки девоний — давлат ерлари, мулк — хусусий ерлар, мулки вақф — Мадраса ва масжидлар тасарруфидаги ерлар ва, ниҳоят, жамоа ерлари бўлган. Дехқончилик ерларининг энг катта қисми давлат мулки ҳисобланган. Бу ерларга, аввалгидек, мамлакат ҳукмдори султон ёки амирлар эгалик қиларди. Темурийлар даврида давлат ерларини суюрғол тарзида инъом қилиш кенг тарқалди.

Суюрғол ерлар ҳажми, шарти ҳамда ер ва ёрликқа эга шахсларнинг табақаси жиҳатидан турлича бўлган. Одатда, шаҳар ёки вилоятлардан тортиб, то алоҳида қишлоққача суюрғол шаклида инъом этилган. Бутун бир шаҳар ёки вилоят кўпинча ҳукмрон сулола намояндалари ёки йирик ҳарбий ва давлат мансабдорларига берилган. Суюрғол эгасига ўз суюрғоли доирасида амалдорлар тайинлаш, солиқлар ва турли тўловларни тўплаш ҳамда айбдорларни жазолаш ҳуқуқи берилган. Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, Шохрух даврида Хоразм — Шох Малик; Фарғона — Мирзо Аҳмад; Тус, Машҳад, Обивард, Нисони ўз ичига олган Хуросон — Бойсунғур; Кобул, Ғазна ва Қандаҳор вилоятлари Мирзо Қайду баҳодирнинг суюрғоли эди. Суюрғол ёрлиғига эга бўлган вилоят ҳукмдорлари марказий ҳокимиятга факат номигагина қарам бўлиб, одатда, улар деярли мустақил эди.

Суюрғол эгалари тобелигини кучайтириш мақсадида марказий ҳокимият баъзан улар тасарруфидаги ер майдонларини қисқартирар ёки уларнинг маъмурий ва адлия жиҳатидан ҳақҳуқуқини чеклаб кўяр эди. Суюрғол эгаси марказий ҳукуматга бўйсунмаган тақдирда суюрғол ҳуқуқидан маҳрум бўлар ва ҳоким унинг вилоятини бошқа шахсга берар эди.

Бўйсунмагани учун Шохрух 1414 йилда Мирзо Искандарни, 1415 йилда эса Мирзо Бойқарони суюрғолдан маҳрум қилган.

Темурийлар даврида майдони жихатидан майда ва ҳақхуқуқи жихатидан анчамунча чекланган суюрғол ерлари ҳам бўлган. Бундай майда суюрғол ерлари, одатда, хизмат кўрсатган кичик мансабдаги ҳарбийлардан тортиб, олий ҳукмдорнинг мунтазам гвардиясидаги ҳарбийларгача берилган. Бобурнинг ёзишича, Ҳусайн Бойқаронинг 14 минглик гвардияси ва 40 минглик мунтазам қўшини (ғул)нинг ҳар бир аскарига 80 жариб, яъни 40 танобдан ер берилган. Навкарларга берилган бу ерлардан ҳам солиқ ва тўловлар олинмаган. Феодал ер эгалигининг асосий тоифаларидан бирини давлат ерлари ташкил этган. Унинг даромадлари асосан саройни ва қўшинни таъминлашга кетган. Бу ерлар ҳукмрон сулола аъзолари ва амирларнинг соҳибқирон олдидаги хизматлари, асосан ҳарбий хизматлари ҳарбий юришларда қатнашиш, исёнкор феодалларни тобе этиш, чегарани қўриқлаш учун мукофотлашнинг асосий манбаи бўлиб хизмат этди.

Амир Темурнинг аجدодлари суюрғол асосида Кеш (Шаҳрисабз) вилоятига эгалик қилганлар. Бу хулоса ўрта аср муаллифларидан бирининг фикрини таҳлил этиш пайтида юзага келди. Унга кўра "олий ҳазратларининг бахтли туғилиши, икки бахтли юлдуз соҳиби Амир Темур Кўрагоннинг жойи Кешда эди ва унинг авлодлари ўша вилоятда меросхўрлик ҳуқуқига эга эдилар".⁹

Суюрғол, том маънода хайрэхсон, ерни ҳадя этиш, имтиёзни англатади ва ҳарбий хизматни ўташ билан шартланган ерни инъом қилиш турларидан бири ҳисобланади. Суюрғол эгаси солиқ дахлсизлигидан фойдаланиб суюрғолга қарашли ерлардан ўз фойдасига ўлпон олган. Суюрғол эгасининг иқтисоддордан фарқи шунда эдики, у маъмурийсуд дахлсизлигига ҳам эга бўлган. Кейинчалик суюрғол ворисликни ҳам англатадиган бўлди.

⁹ Махмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных (География). Введение, примечания, указатели Б. А. Ахмедова. Ташкент, 1977, с.75

Суюрғоллик Темургача ҳам мавжуд эди. Темур даврида эса у кенг ривожланди.

Босқинчилик урушлари туфайли Темур хукмронлигига жуда кенг худуд ўтди. Эгалланган вилоятларни амир суюрғол асосида бошқаришга асосан ўз ўғиллари ва невараларига берар эди. Солиқ дахлсизлиги бу ўринда ҳарбий ва давлат хизмати билан шартланган.

Темур шахсан суюрғоллик эгалигининг ворислик бўйича доимий ўтишини назарда тутмаган. Лекин, соҳиб ва маъмурий шахсларни тайинлаш ҳуқуқи бўлган суюрғоллик тизими темурийлар давлати емирилишига олиб келди.

Суюрғол Темур уруғаймоғидан бўлмаган айрим амирларга ҳам берилиши мумкин эди. Улар асосан чиғатой уруғидан, кейинчалик эса унга жангсиз таслим бўлган йирик хукмронлардан бўлган.

Темур даврида ва кейинчалик суюрғол сўзи умуман инъом этиш маъносида ҳам ишлатилган.

Темур вафотидан сўнг Шоҳруҳ (1405-1447) вилоятларни нафақат ўз ўғиллари ва невараларигагина тарқатиб қолмади. У отаси даврида катта обрўга эга ҳарбий саркардаларга ер ҳадя этишни амалда кўп қўллади. Бу, олий хукмдор сифатида унинг ўрнини мустаҳкамлашга катта таъсир кўрсатди.

Улуғбек Мовароуннаҳр хукмдори сифатида ўғли Абдуллатифга Балхни, шоҳ Маликка эса Хоразмни суюрғол қилди.

Деярли доимо суюрғол этишда ўша эгаликдан тушган фойдани уларни маълум тартибда сақлаб туриш учун фойдаланилсин, деган кўрсатма бўлган.

Темур вафотидан сўнг суюрғол қоидаси маъмурийсолиқ дахлсизлиги ва ушлаб туришнинг ворислик мазмуни бўлиб қолди. Ўша пайтда олий хукмдор ўз хоҳишистагига кўра бир вилоят суюрғоллигини иккинчиси билан алмаштириб юбора олар эди. Бироқ бу Амир Темур каби кучли хукмдорлар томонидангина амалга оширилган. Улуғбекка масалан, Мовароуннаҳрга

эгалик қилгунга қадар навбат бўйича давлатнинг турли вилоятлари икки бор суюрғол этилган.

Айрим суюрғол эгалари бир вақтнинг ўзида тархон ёрлиқларига ҳам эга эди. Мазкур ҳолларда ушбу шахслар қўшимча имтиёзлар олган ёки шундай ёрлиқлар ер эгасини давлат солиқларини тўлашдан озод қилган. Уларнинг нотўғри хаттиҳаракати тўққиз мартагача кечирилган, у шоҳ олдиға бемалол кириб чиқишға имкон берган.

Тархонларға берилган катта имтиёзлар кейинчалик ушбу аслзода қатламнинг бойиши ва кучайишиға олиб келди. Уларнинг айримлари бир неча минг сонли ҳарбий отрядға эга бўла борди. Шундан бир қисми уруғаймоғчилик жиҳатидан ҳукмдор сулола билан боғлиқ бўлиб, асосан XV аср охирида Мовароуннаҳр сиёсий ҳаётида ҳал қилувчи рол ўйнади.

Дехқончилик майдонларининг иккинчи каттагина қисми хусусий ерлардан иборат эди. Шубҳасиз, йирик мулкдорларнинг катта ер майдонлари ҳам, меҳнаткаш зироатчиларнинг майда пайкаллари ҳам хусусий мулк қаторига кирган. Мулк ерларининг катта қисми маъмурий, ҳарбий ва диний арбобларнинг тасарруфида бўлган. Масалан, XV асрнинг иккинчи ярмида яшаган йирик мулкдорлардан Хожа Аҳрорнинг 1300 га яқин ермулки бўлган. Бу мулкларнинг айримлари 300 қўшға тенг бўлган.

Бош ҳукмдор томонидан йирик мулк эгаларига бирон хизмати учун тархонлик ёрлиғи бериш кенг тарқалган. Тархонлик ёрлиғини олган мулкдорлар, асосан барча солиқ, тўлов ва мажбуриятлардан озод қилинган. Тархонлик ёрлиғи, одатда, амирлар, беклар, сарой амалдорлари, саййидлар ва бошқа юқори табақа вакиллариға берилган. Бундай ёрлиқни олган мулкдор исмиға тархон сўзи қўшиб айтилган.

Тархонларнинг аксарияти жуда бой бўлган. Масалан, бу даврда Ҳирот атрофидаги мулклар Дарвешали Тархон, Самарканд ва Бухоро атрофидаги жуда катта ерлар Абуали Тархон қўлида тўпланган эди. Бобур Абуали Тархоннинг шоҳона ҳаётини тасвирлаб, унинг ҳашаматли саройи, хизматидаги уч минг* кишидан иборат хизматкору навкарлари, ўтказган

дабдабали тўйтомошалари, берган қимматбаҳо совғасаломлари ва халққа қилган жабрзулмлари тўғрисида ёзган.

Темурийлар ҳукмронлигининг сўнгги даврида Бухоро, Самарканд, Шаҳрисабз ва бошқа вилоятларнинг деҳқонларидан ҳамда шаҳар аҳолисидан йиғиладиган давлат даромадларининг анчагина қисми тархонлар қўлида тўпланиб, Мовароуннаҳрда улар ғоят катта кучга айланган эди. Мамлакатнинг сиёсий ҳаётида тархонларнинг нуфузи кучли бўлиб, улар жуда катта сиёсий ҳуқуқдан фойдаланар эдилар. Ҳатто ўзаро низолар вақтида тархоннинг қўллабқувватлаши бирорта вилоят ҳокимининг тақдирини белгилашда қатийан ҳал қилувчи аҳамият касб этарди.

XV асрда ҳам, аввалги даврлардагидек, жуда кўп ерсув масжид, Мадраса, хонақоҳ, мақбара ва мозорларга бириктирилиб, бундай ерлар мулки вақф деб аталган. Маълумки, Амир Темур ва Темурийлар ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда каттакатта деҳқончилик ерлари вақф қилинган. Одатда, ер ва сувдан ташқари, кўплаб дўкон, корхона, тегирмон, обжувоз, бозор, карвонсаройлар ҳам вақф қилиниб, улардан тушган даромад масжид, Мадраса, шифохона ва хонақоҳларнинг таъмири, жиҳози, мутавалли, мударрис, табиб ва талабаларга бериладиган нафақалар ҳамда лангархона (мусофирхона) ва шифохоналарнинг кундалик эҳтиёжи (озиковқат, ёқилғи ва ёриткичлари) учун сарф этилган.

Деҳқончилик ерларининг муайян қисми қишлоқ аҳолисининг умумий тасарруфида бўлган. Бундай ерлар қишлоқ тўплари ёки жамоаларнинг мулки ҳисобланган. Шубҳасиз, бундай шаклдаги жамоа ерлари мулкчиликнинг қадимий турларидан бўлиб, улар кўпроқ сувга танқис тоғ ва тоғолди худудларида бирмунча кенг тарқалган эди. Бундай жамоавий мулкчилик, одатда, кам сувли тоғ жилғаларининг сувини жамғариш ёки ерости сувларини ер юзига чиқариш учун қишлоқ жамоаларининг кучи билан барпо этилган ўта машаққатли ва мураккаб сув иншоотлари —

кулфакли ховузлар ва коризлар воситасида ўзлаштирилган ерларда вужудга келган.

Мулкчиликнинг бундай тури, шубҳасиз, Темурийлар хукмронлиги даврида унчалик кенг тарқалган бўлмасида, ҳар қалай мавжуд эди.

XV асрда Мовароуннаҳр ва Хуросонда ер эгалари деҳқон, экин майдонларига ишлов берувчилар музорий деб юритилган.

Музорийлар, яъни зироатчилар қишлоқнинг меҳнаткаш табақаси бўлиб, улар тўрт гуруҳга бўлинган: давлат ерларида ишловчи музорийлар; мулкдорларнинг ерларини ишловчи музорийлар; ўз ерига эга бўлган деҳқонлар; вақф мулкларида ишловчи музорийлар.

Музорий давлат ёки вақф ерларида ҳам, тархон ёки суюрғол эгалари каби йирик мулкдорларнинг ерларида ҳам ёлланма зироатчи бўлиб деҳқончилик қилган. Унинг ҳосилдан оладиган ҳиссаси ер эгалари ердан ташқари, уруғлик, омов, ҳўкиз, отарава кабиларни беришига қараб белгиланган. Қандай ерда деҳқончилик қилишидан қатъи назар, музорий ҳамма вақт солиқларни тўлар ва мажбуриятларни ўтар эди.

Амир Темур Хитой юришига 1398 йилдан бошлаб жиддий тайёргарлик кўради. У шу йили феврал ойида валиаҳд Муҳаммад Султонни 40000 кишилиқ кўшини билан мамлакатнинг шимолишарқий ҳудудларига жўнатиб, унинг зиммасига ҳарбий иншоотлар қуриш, деҳқончилик ишларини йўлга қўйиш вазифасини юклайди. Бу ҳақда Шарафуддин Али Яздий шундай ёзади: «Офтоб Ҳут буржиги етканда (19 феврал) Соҳибқирон ҳукм қилдиким, “Амирзода Муҳаммад Султон Мўғулистон сарҳадига бориб забтға машғул бўлсунлар!” ва Ашпарада қалъа солиб, зироат қилдурғай ва Бердибек, Сари Буға ва амир Ҳожи Сайфуддин ва Худойдоди Ҳусайний ва амир Шамсиддин Аббос ва ўзга бекларни қирқ минг киши билан шаъзоданинг мулозаматига қўйди. Бас, алар юруб, Қулон уқбасидан ўтиб, Ашпараға етиб, анда тушдилар ва иморат ва зироатқа машғул бўлдилар».¹⁰ Бу истехкомлар бўлажак Хитой

¹⁰ Ибн Арабшоъ. Амир Темур тарихи. 1-китоб -Т.: Меънат, 1992. Б.285.

юришида асосий таянч нуқталар бўлиши, барпо этилаётган дехқончилик воҳалари эса юриш вақтида кўшинни озиковқат билан таъминлаши керак эди.

А.Ю. Якубовский Амир Темурнинг ички сиёсати ўзи суянган кўчманчи ва ўтrock феодаал зодагонлар манфаатларига мос бўлиб, у ўзининг буюк империясини суюрғол тарзида бўлиб юборганлигини, айнан шу омил ҳам салтанатнинг парчаланишида муҳим рол ўйнаганлигини таъкидлаб ўтган. Лекин унинг суюрғол эгасининг ҳуқуқлари тўғрисида фикрлари бир оз ошириб юборилган. Мисол учун, у суюрғол эгаси солиқ, суд ва маъмурий соҳаларда мустақил бўлган ва марказий ҳукумат амалдорларининг унинг ҳудудига кириши таъқиқланган, деб ёзади.¹¹ Лекин манбаларда суюрғол ҳудудларидан ҳам солиқни марказий ҳукумат вакиллари йиғиб олганлиги ҳақида баъзи маълумотлар бор. Жумладан, “етти йиллик уруш”дан қайтаётган Соҳибқирон Шоҳрух Мирзонинг суюрғоли бўлган Хуросон мулкидан солиқ йиғишни Ҳожа Фахриддин Аҳмад Тусийга топширади ва у марказий ҳукумат хазинасига қирқ кунда икки юз туман кепакий маблағ топширади.¹² Айнан шу хизмат учун Ҳожа Фахриддин Аҳмад Тусий Ҳожа Шарофиддин Али билан бирга Самарқанд девонига раҳбар этиб тайинланади. Низомиддин Шомийнинг Ҳожа Шарофиддин Али тўғрисидаги маълумотлари ҳам қизиқарли: “Аллақандай ғаразчиларнинг бўҳтони сабабли, анча вақтдан буён қамокда ётган вазирлик сершоҳ дарахтининг бир шохи бўлмиш Ҳожи Шарофиддин Али Симноний жанобий олийларига марҳамат қилди ва унга яна ўша мансабини инъом этди. Чунки айғоқтафтишчилар қанчалик талашибтортишмасинлар, унинг Хуросон, Ироқи Ажам, Қумс ва Мозандарон (ўлкаларида) мутлақ ҳоким бўлиб турганлиги юзасидан ҳатто бирор динор миқдорида камомад кўрсата

¹¹ Всемирная история. Том III. -М., 1950. С. 574.

¹² Низомиддин Шомий. Ўша асар.Б. 391.

¹³ Низомиддин Шомий. Ўша асар. Б. 392.

олмадилар”¹³ Келтирилган парчадаги ўлкалар бошқа шахсларнинг суюрғоллари бўлганлиги сабабли Низомиддин Шомий таъкидлаган “мутлак ҳоким” иборасини, назаримизда, ўша ўлкалардан солиқларни йиғиш ва хазинага қилиш бўйича жавобгар шахс деб тушуниш тўғри бўлади.

Юқорида келтирилган далилларга таяниб, суюрғол қилиб берилган ҳудудларда ҳам солиқ йиғишни назорат қилиш, бошқариш марказий ҳукумат амалдорлари ваколатига маълум маънода тегишли бўлган, деб хулоса қилиш мумкин. Шунингдек, Амир Темур фарзандларининг суюрғоли бўлган вилоятларда ҳам хизмат вазифаларини яхши бажармаган доруғаларни жазолайверган. Бу ҳақда Шарафиддин Али Яздийда шундай маълумот бор: “... Чечакту эли, Абак Телбаким, аларнинг доруғаси эрди, келиб шикоят қилдилар. Ўшул замон ҳукм бўлди: аёғларини тешиб, ип ўтқариб, боши тубон осдилар”.¹⁴ Чечакту тумани Шоҳруҳ Мирзонинг суюрғоли бўлган Хуросон вилоятига қарашли эканлигини назарда тутсак, Амир Темур суюрғолларнинг суд ва маъмурий ишларига ҳам аралашган, ўз ўрнида аҳоли ҳам ўз муаммолари бўйича тўғридан тўғри Соҳибқиронга мурожаат қилган, деган хулоса келиб чиқади. Демак, тарихий манбаларга таяниб айтиш мумкинки, А.Ю. Якубовскийнинг суюрғол эгаси ҳуқуқлари тўғрисидаги фикри баҳслидир.

Бошқа тарихчилардан фарқли равишда, Л.В. Строева Амир Темур томонидан берилган биринчи суюрғолга ҳам тўхталиб ўтади.¹⁵ У Шарафиддин Али Яздий келтирган маълумотга таянган ҳолда Амир Темур 1367 йилдаёқ, ҳали расман Амир Хусайннинг вассали ҳисобланса да, Некпайшоҳга суюрғол берганлигига эътиборни қаратади. Л.В. Строева

¹⁴ Шарофуддин Али Яздий. Ўша асар. Б. 288.

¹⁵ Строева Л.В. Ўша нашр. С. 78.

аҳамият бериб ўтган бу воқеа, бошқа тарихий манбаларда ҳам ўз аксини топган.¹⁵

¹⁵ Низомиддин Шомий. Ўша асар. Б. 61. Муриниддин Натанзий. Мунтаҳоб ут-таворих. //Амир Темур ва Улуъбек замондошлари хотирасида. Тўплам. -Т.: Ўқитувчи 1996 . Б.160.

1.2 Суюрғол ва иқтоъ ер эгаллиги шаклларининг ўзига хос хусусиятлари ва солиқ имтиёзлари

Шу ўринда иқтоъ ва суюрғол атамаларининг таҳлилига ҳам эътибор қаратсак. Тарихий китобларда «иқтоъ» феодал институтининг Ўрта Осиёда тутган ўрни ва мавқеи ҳақида ҳанузгача аниқ бир фикр айтилмаган. Махсус китобларда бу масала хусусида П. П. Иванов томонидан бундан ўттизқирк йил муқаддам билдирилган кўп ҳам аниқ бўлматан фикр ҳамон ҳукм суриб келади. Ваҳоланки, тарихий манбаларда бу масала хусусида аниқ фикр юритишга имкон берувчи маълумотлар анчагина учрайди.

«Иқтоъ» атамаси XIV асрнинг иккинчи ярмида муомаладан чиқиб, ўрнини «суюрғол» атамасига бўшатиб берган бўлсада, XVI аср ўрталаридан бошлаб яна Ўрта Осиё манбаларида қўлланила бошланган ва бу ҳол XVIII асрнинг 20йилларига қадар давом этиб келган.

Тадқиқотчиларнинг «иқтоъ» атамаси ва унинг моҳиятига бергап баҳолари қай даражада деган савол туғилади.

Бухоролик йирик тарихчи олим Ҳофизи Таниш Бухорийнинг «Абдуллонома» (бошқа номи «Шарафномаи шоҳий») асарини ўрганиш жараёнида П. П. Иванов биринчи бўлиб «иқтоъ» атамасига тадқиқотчиларнинг диққат эътиборини жалб қилди ва қуйидаги хулосага келди: «Бу ерда сўз Эронда мўғуллар даврида (XIII—XIV асрларда — Б. А.) кенг тарқалган «ҳарбий иқтоъ» устида бораётир». «Суюрғол», «иқтоъ» ва «танҳо» атамаларининг бир маънода қўлланишларини таъкидлаб, у яна бундай дейди: «Суюрғол» ва «иқтоъ» атамалари билан бир қаторда Ўрта Осиёда XVI асрдан бошлаб биринчи маротаба муомалага кирган ва афсуски, зикр этилган билан бир маънода қўлланилган «танҳо» атамаси ҳам учрайди ва бу ерда сўз бир хил инъомлар хусусида кетяпти. Фикримизнинг далили сифатида кўрсатиш мумкинки, XVII асрдан бошлаб «иқтоъ» атамаси Ўрта Осиё манбаларида учрамайди ва ўз ўрнини тўла ҳолда «танҳо» атамасига бўшатиб беради. Бундан хулоса қилиш мумкинки, XVI асрда «иқтоъ»

атамаси афтидан китобий ибораларнинг анъанавий қолдиғи сифатидагина сақланиб қолган.

Тахминан шундай фикрни йирик шарқшунос олим И. П. Петрушевский ҳам билдирган. У хусусан бундай деб ёзади: «Шубҳасиз, «иктоъ» феодал институт сифатида XVI—XVIII асрларда ишлатилмаган ва ўз ўрнини — «суюрғол» ва «тиул» институтларига бўшатиб берган¹⁶.

«Иктоъ» атамаси XVI—XVII ва ҳатто XVIII аср тарихий манбаларида учраб туради. «Суюрғол» ва «тиул» атамалари ва улар ифода этган институтлар эса кенг тарқалган эди. Аммо XVI—XVII аср тарихий манбаларида «иктоъ» атамаси аниқ юридик маънони ифода этмаган, балки инъом маъносида, яъни «иктоъ» ўрнини олган феодал институтларни ифодаловчи синоним сифатида қўлланилган».

Таниқли шарқшунос олим М.А.Абдураимовнинг фикрича, «иктоъ» атамаси XVI—XVII асрларда мустақил бир маънога эга бўлмаган ва «танҳо»нинг синоними сифатида ишлатилган. Унинг ёзишича, «танҳо» феодал институти (муваққат, шартли тортиқ) иктоънинг бошланғич шаклидаги маъносига яқин маънода қўлланилган. Бу даврда ҳар икки атама муваққат шартли инъом маъносини билдирган¹⁷.

Кўриниб турибдики, бир гуруҳ мутахассис олимлар «иктоъ» XVI—XVIII асрларда «суюрғол», «тиул» ва ҳатто «танҳо» феодал институтларининг синоними сифатида қўлланилган, деган фикрни илгари сурганлар. Аслида шундаймикан? «Иктоъ», «суюрғол» ва «танҳо» атамалари ўхшаш маънога эга бўлганмикан? деган савол туғилади.

«Суюрғол» атамасини олиб кўрайлик, XVI—XVII аср манбаларида у «иктоъ» атамаси билан бир қаторда «инъом» маъносида тушунилади. Аммо ҳар икки атаманинг («иктоъ», «суюрғол») моҳияти ҳамма вақт ҳам бир хил бўлмаган. Чунончи» XVI асрда ҳар иккала атама: «иктоъ» ва «суюрғол»

¹⁶ Б. Аҳмедов Иктоъ феодал институти / Б. Аҳмедов Тарихдан сабоқлар - Т.: Ўқитучи. 1994 б. 52

¹⁷ Б. Аҳмедов Иктоъ феодал институти / Б. Аҳмедов Тарихдан сабоқлар - Т.: Ўқитучи. 1994 б. 52

институтлари бир маънога эга бўлган ва шартли равишда сулола аъзолари, харбий бошлиқлар ва кўзга кўринган давлат арбобларига тожу тахт олдида кўрсатган махсус хизматлари эвазига берилган инъом (вилоятлар, ноҳиялар) маъносини билдирган. «Иқтоъ» ва «суюрғол» эгалари молиявий ва маъмурий имтиёзларга эга бўлганлар. Масалан, XVI асрнинг иккинчи ярмида Шахрисабз ва унинг атрофидаги туманлар Абулхайр султоннинг иқтоъси бўлган. Насаф эса Худойберди султонга суюрғол қилиб берилган. Ҳисор—Ўзбек султонга иқтоъ тарзида инъом этилган. Самарқанд иқтоъ сифатида ўзбеклар ҳукмдори Абдуллахон II (1583—1598 йиллари расмий равишда Бухоро тахтида ўлтирган) нинг иниси Ибодуллоҳ султонга ҳадя этилгак эди.

Кейинчалик, яъни XVII—XVIII асрларда, суюрғол маъноси ўзгариб боради. Юридик ҳужжатларда ҳам, тарихий китобларда ҳам, у мусулмонларнинг йирик пешволари ва уламоларига берилган турли ҳадялар(ер участкалари, маблағ)ни англатган.

XVII аср тарихчиси Маҳмуд ибн Вали умуман инъом ҳақида сўз борганда ҳар икки атамани: «суюрғол» ҳамда «иқтоъ»ни бир маънода (инъом маъносида) ишлатади ва уларнинг қўлланилишини аниқлаштиради. Масалан, суюрғол деганда у давлат олдида кўрсатган алоҳида хизматлари эвазига шайхлар, уламолар ва шоирларга берилган инъомларни назарда тутди. Чунончи, аштархонийлардан Вали Муҳаммадхон (1606—1611) 1607 йили Тошкентни Ишим султон тасарруфидан озод қилгандан кейин кўрсатган катта ёрдамлари эвазига тошкентлик шайхлар, уламо ва олимларни туҳфалар ва суюрғоллар билан тақдирлайди. Яна бир аштархоний Нодир Муҳаммадхон даврида (1642—1645) мавлоно Абдулмўмин Миёнқолий, мударрис Шохбек кўкалтош (Балхда), Малик Интихоб номини олган қасиданавис шоир ва олим мавлоно Ниёз, Шайх Низойи ва мавлоно Шариф Воло каби шоирлар унча катта бўлмаган суюрғол эгалари бўлишган.

Р.Н.Набиев томонидан Бухоронинг шайбонийлар ва аштархонийлар сулолаларига мансуб ҳукмдорлари ва уларнинг Тошкент ва Андижондаги ҳокимлари ёрлиқларининг ўрганилиши ҳамда А. Жувонмардиевнинг ҳозирги

Наманган вилоятидаги Қараскон ва Қизил работ қишлоқларида жойлашган Султон Саид авлиё авлодларига тегишли суюрғолларни ўрганишга бағишланган асарлари шуни кўрсатадики, XVII асрда «суюрғол» саййидлар, шайхлар, уламо ва йирик шоирларга тақдим этилган ҳар турли инъомни аниқлаган. Бу ҳолни Махмуд ибн Валининг юқорида тилга олинган маълумотлари ҳам тасдиқлайди. Афтидан, бу ерда биз XVIII аср охирида битилган «Ушрия ва хирожия ерлари ҳақида рисола» муаллифи бухоролик фақиҳ Ибодулло иби хожа Ориф Бухорий томонидан ҳам аниқ таърифланган ва ўша давр учун ўта хос бўлган шартли тарзда берилган инъомнинг айнан ўзини кўриб турибмиз. Мазкур рисолада хусусан бундай дейилади: «Агар динпаноҳ подшоҳ девон ихтиёридаги ерни (мамлакат) кимгадир инъом қилгудай бўлса ва у (яъни мулк) уламо ва саййидларга берилса, суюрғол деб аталади; бордию ҳарбийларга (муқотилин) ҳадя этилса унда танҳо деб аталади». Кўриниб турибдики, XVII асрдан бошлаб суюрғол ва иқтоъ бир маънода қўлланилмаган.

Юқорида зикр этилган рисолада (Ибодулло хожа Бухорий асарида) тўғри кўрсатилганидек, XVI асрнинг иккинчи ярми—XVIII аср бошида «танҳо» (танҳоҳ) атамаси ҳам тамоман бошқа маънога эга бўлган. Аниқ маълумотларга мурожаат қилайлик. «Абдуллонома» муаллифи юқорида тилга олинган бухоролик ҳукмдор шайбоний Абдуллахон II билан Насаф ҳокими Худойберди султон ўртасидаги 1552 йили содир бўлган уруш ҳақида ҳикоя қиларкан, мана буларни ёзади: «Абдуллахон ғалаба байроғини Касби вилояти устига тиккандан кейин Насафнинг баъзи қишлоқларини ғолиб қўшинга танҳо қилиб берди». Мир Муҳаммад Амини Бухорийнинг XVIII аср бошига тегишли қуйидаги маълумотлари ҳам катта аҳамиятга молик: «Бу беъмани эссизлар (Убайдуллоҳнинг яқинлари — Б.А.) халқни ўзбеклар (ўзбек ҳарбийкўчманчи аслзодалари) билан кўрқитиб ўз ҳолича иш тутиб, қонунни оёқ ости қила бошладилар; улар уялмайнетмай ва кетини ўйламай, халққа жабрзулм ўтказа бошладилар ва итоаткор кишилар устидан ҳукм юргиза бошладилар. Улар шу даражага бориб етдиларки, қонунлар чиқариб

Ўзбекларнинг танҳо ерларини ҳам ўз тасарруфига киритиб олдилар. Ҳарбийларга тегишли маошини олиш учун берилган ҳуқуқлар қайд этилган дафтарларни йўқ қилдилар. Оқибатда ўша ҳарбийлар куруқ қоғоздан бошқа ҳеч нарсага эга бўлолмадилар».

Келтирилган мисоллардан кўришиб турибдики, сўз юритилаётган даврда танҳо ҳарбийлар ва қуйи табақадаги хизматчиларнинг тирикчилиги учун ажратилган унча катта бўлмаган ерлардан тушадиган рента—солиқнинг ҳады этилишини англаган.

Энди «иктоъ» атамаси ҳақида.

Ёзма манбаларда келтирилган маълумотларга кўра, XVI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Бухоро хонлиги ўрамида (ҳам Мовароуннаҳр, ҳам ярим мустақил Балхда) давлатга қарашли ерларни иктоъ тарзида инъом этиш ҳоллари кенг тарқалган. «Иктоъ» атамаси эса шу вақтгача кенг қўлланиб келинган «суюрғол» атамасини бутунлай муомаладан суриб чиқарди.

«Иктоъ» XVI—XVIII аср бошларида ҳукмрон сулола намояндалари (султонлар) ва йирик амирларга маълум ўлка ва вилоятларнинг шартли равишда инъом этилишини англатади. Уларга инъом этилган ерларни идора қилишда кенг маъмурий ва иқтисодий ҳуқуқлар ҳам берилган. Сўзимизнинг исботи учун қайд этилган даврнинг асосий манбаларидан айрим мисоллар келтириб ўтамиз. Масалан, «Абдуллонома» муаллифи Абдуллахоннинг Хузор ва Жигдалиқда ов қилишига оид воқеаларни баён этаркан (1586), қуйидаги муҳим маълумотни келтиради: У ерга Шаҳрисабздан улуғ нўён Қамбарбий етиб келди ва ҳурмат ила ҳукмдор олдида тиз чўкиб, унга иктоъ тарзида инъом қилинган Шаҳрисабзга таклиф этди. Таклиф қабул қилинди ва жаноби олийлари Шаҳрисабзга қараб йўл олдилар. Зикр этилган амирнинг базми жамшидидан сўнг Шаҳрисабздан келадиган даромаднинг бир қисми унга берилиши ҳақидаги умиди рў ёбга чиқмагач, жаноби олийлари ислом куббаси бўлмиш Балхга жўнаб кетишлари биланоқ, тўхтовсиз Шаҳрисабзни тарк этди ва Самарқандга, иқбол нишонлик султон Ибодулло олдида ошиқди ва у ерда унинг буюк амирлари сафига қўшилди». Ҳофизи Таниш Бухорий

давом этиб: «Қамбарбийдан сўнг ҳукмдорсиз қолган Шаҳрисабзга Шибирғон вилоятининг ҳоқими «олий иқтидорлик амир Абдусамадбий тайинланди, Шу билан бирга унга Шаҳрисабздан тушадиган даромаддан 150 минг хоний миқдордаги маблағ ҳам берилди».

Замондош тарихчининг бу маълумотлари шуни англатадики, иқтоъ вақтинча ва шартли равишда берилган инъом бўлган: иқтоъ эгаси келаётган солиқларнинг фақатгина ўзининг туриштурмуши учун зарур бўлган миқдоридагина дахлдор бўлган: фақат айрим ҳоллардагина барча солиқлар унинг ихтиёрида қолдирилган. Буни зикр этилган Шаҳрисабзнинг собиқ ҳукмдори Қамбарбийнинг вилоятдан тушаётган барча солиқларни ўз тасарруфига олиш учун қилган хаттиҳаракатларига оид маълумотлар тасдиқлайди. Бу ҳолатни Маҳмуд ибн Вали тасдиғида ҳам кўриш мумкин. 158889 йили Балх ҳукмдори шайбоний Абдулмўминхон Машҳад, Сабзавор, Исфохон ва Нишопур устига катта юриш қилди. Бу шаҳарларни ўз тасарруфига киритгандан сўнг юришда фаоллик кўрсатган амирларга турлитуман иноятлар қилди. «Жумладан,—деб давом этади муаррих,— Шохмуҳаммад Баҳодир Кўлобдан чақириб олинди ва Маймана, Фароб, Ҳайробод, Қайсар, Олмор вилоятлари ва уларга тобе бўлган ноҳиялар ҳукмдори қилиб тайинланди. Улардан йиғиладиган йиллик даромад мавлоно соҳиб девон томонидан 200 минг танга миқдорида белгиланди. Бундан ташқари, Али қипчоқнинг барча халқлари ва улуслари ҳам унга тобе этилди».

Шундай қилиб, ўша даврда иқтоъ мувағдат инъом ҳисобланган ва марказий ҳукумат, яъни хон учун қилинадиган алоҳида хизмат учун берилган. Иқтоъдор фақат даромаднинг хон тарафидан белгиланган қисмигагина эга бўлган. Олий мулкдорлар ҳақҳуқуқи хон томонидан сақланиб қолаверган. Қуйида биз баъзи ҳолларда хоннинг хоҳиши билан иқтоъларнинг мусодара қилиниши ва бошқа шахсларга инъом этилиши, иқтоъ ҳажмининг қисқартирилиши ёки кенгайтирилиши каби ҳолларни ҳам кўрамыз.

Иқтоъ инъом этиш ва иқтоъдорнинг мажбуриятларн билан боғлиқ масалаларга батафсилроқ тўхтаб ўтамиз. Фақат ҳукмрон сулола вакиллари, йирик ҳарбий арбоблар ва кўчманчи феодаллар иқтоъ эгалари бўлганлар. Иқтоъ соҳиби хирожнинг бир қисмини давлат хазинасига топшириши зарур эди. Қўшни мамлакатларга уюштириладиган ҳарбий юришлар вақтида улар дарҳол ўз қўшинлари билан хонга ёрдамга боришлари ёки унинг ихтиёрига маълум миқдорда қўшин юборишлари шарт бўлган. Жумладан, Мовароуннаҳрни исён ва тартибсизликлар камраб олган ва қозоқ феодалларининг қўшинлари Бухоро ва Самарқанд остонасида турган бир вақтда (1599) шайбоний Пирмуҳаммадхон II (1798—1601) Бухоро, Самарқанд, Насаф, Шаҳрисабз, Ҳисор ва Кўлоб иқтоадорларини ўз туғи остига тўплашга муваффақ бўлди. Маҳмуд ибн Валининг гувоҳлик беришича, уларнинг барчаси «шижоат ва ғайрат кўрсатдилар. Биз Мовароуннаҳр исён ва тартибсизликлардан тозалангандан кейингина ўз иқтоъларига қайтиб кетдилар». Худди шундай аҳволни биз 1611 йили Вали Муҳаммадхоннинг ҳокимиятни қайтариб олиш учун Эрон аскарлари ёрдамида Ўрта Осиёга бостириб киришига оид воқеалар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ўшанда Имомқулихон (1611—1642) Мовароуннаҳр иқтоъдорларининг кўмагида ғанимни мағлубиятга учратиб, олий ҳокимиятни ўз қўлида сақлаб қолишга муваффақ бўлган эди. Яна бошқа бир ерда Маҳмуд ибн Вали Муҳаммадхоннинг 1607 йили Кўлобга, исёнкор Мирза Ҳасанга қарши юриши ҳақида ҳикоя қилар экан, бу ҳарбий юришда Мовароуннаҳрнинг 42 нафар иқтоъдори қатнашганлигини айтади. Юриш муваффақиятли тугагандан кейин уларнинг барчаси бой ўлжалар билан ўз иқтоъларига қайтиб кетишган. Иқтоъ эгалари (иқтоъдор)нинг бу ерда қайд этилган сони бу феодал институтнинг биз сўз юритаётган даврда Ўрта Осиёда кенг тарқалганлигидан далолат беради.

Энди иқтоънинг инъом этилиши тартибига келсак, энг аввало бу шартли тарзда бўлган, яъни вақтинча берилган. Юқорида зикр этилганидек, олий ҳукмдор иқтоъ ерларининг ҳажмини қисқартириши ёки кенгайтириши,

иктоъдорларни у мулкдан бошқасига ўтказиши, кези келганда, асосли сабаблар бўлганда, иктоъдорни бу ҳуқукдан маҳрум этиши ҳам мумкин бўлган. Ўзбек султоннинг тақдири бунга яққол мисол бўлиши мумкин. У шайбонийлар орасида энг кўзга кўринганлардан, ёш жихатдан Абдуллахондан анча улуғ, унинг амакиси бўлганди. Маълумки, туркмўғул халқлари орасида сақланган расмрусмга кўра, ёш жихатдан улуғлар махсус имтиёзларга эга бўлганлар. 1559 йилнинг август ойида унга Насаф ва Шаҳрисабздек йирик вилоятлар иктоъ тарзида инъом этилган эди. 1570/71 йили Абдуллахоннинг Балхга, Динмуҳаммадхонга (1567/1573) қарши юришида Ўзбек султон Андхудни эгаллаб олгандан кейин, Абдуллахондан юз ўгириб Балх ҳокимига хайрихоҳлик изҳор қилади. Ўшанда Абдуллахон унинг иктоъсини тортиб олади ва 1559 йилда Ибодулла султонга берилган (иктоъ тариқасида) Самарқанд мулкига қўшиб юборади. Ўзбек султон тўрт йил давомида Абдуллахоннинг мурувватини кутсада, хон барибир унинг аввалги иктоъсини қайтариб бермайди. Фақат 1574/75 йилдагина Абдуллахон Жўйбор хожаларидан хожа Саъд, Қулбобо кўкалдош ва бошқа йирик мансабдорларнинг илтимосларини инобатга олиб Ўзбек султоннинг гуноҳидан ўтади, аммо аввалги иктоъсини (Кўлобни) қайтариб бермайди: унга фақат Ҳисор вилоятинигина қолдиради, холос. «Абдуллонома» муаллифининг гувоҳлик беришича, Ўзбек султон кейинги йилларда марказий ҳукуматга сидқидилдан хизмат қилади, Абдуллахоннинг барча ҳарбий юришларида фаол иштирок этади. 1585 йили Ҳасанбек Шайх Умарий ва Бобо Вали етакчилик қилган бадахшонликлар қўзғолонини бостиришдаги фаол иштироки учун Абдуллахон қўшимча равишда унга Кўлоб вилоятини инъом этиб, унинг иктоъсини кенгайтириб беради.

Бу хусусда қуйидаги мисол ҳам аҳамиятга моликдир. XVIII асрнинг кўзга кўринган тарихчиларидан Мир Муҳаммад Амини Бухорий шуни таъкидлайдики, хон иктоъ ҳажмини кенгайтиришда айрим ҳолларда қўл остидагиларнинг содиқлиги ва фаоллигидан келиб чиқиб сиёсат юргизган. Олим шундай ҳикоя қилади: «Амирлар ва лашкарбошилар довюрак

хукмдорнинг Балхга, Махмудбийга қарши юриш зарурлиги ҳақидаги бу сўзларини эшитишлари биланоқ, уларнинг ҳаммаси тиз чўкиб, бош эгдилар ва шундай дедилар: «Олий хукмдорнинг хоҳишларини амалга ошириш йўлида жонимизни ҳам аямаймиз, найза ва қиличларни ишга солиб, Тангрининг инояти билан, бу хиёнаткор ғанимни бартараф қилишга қасамёд қиламиз. Олам подшосининг нафосат таратувчи фикри бандаларига жондир. Шунинг учун қайғурмасалар ҳам бўлади. Биз қулларингизнинг жонимиз битта, бордию мингта бўлганда ҳам, не қилардик? Албатта, уни султонимиз отларининг туёқлари остига ташлаган бўлардик». Подшоҳ амирлари ва лашкарбошиларининг ўз ҳаётларини у учун қурбон қилишларига тайёр эканлигини эшитгач, уларнинг иқтоъ ва маошлари миқдорини ошириб, туҳфалар тақдим этиб, бахтиёр қилади.

Шу ҳам диққатга сазоворки, Ўрта Осиёлик хукмдорлар хорижий мамлакатлардан келиб қолган султонларга ҳам уларнинг хизматларини инобатга олиб, иқтоъ инъом этганлар. Чунончи, қозоқ султонлари Шиғойхон ва унинг ўғли Таваккал султонлар Абдуллахоннинг Тошкент ва Туркистон хукмдори Бобохон авлодларига қарши курашида кўрсатган ёрдамлари учун 1581 йили Хўжанд вилоятини иқтоъ тарзида оладилар. Худди шундай мавқега хоразмлик султонлардан бири Аҳмад султон XVII асрнинг биринчи чорагида Балхда эришган.

Балхда ҳам Мовароуннаҳрдагидек иқтоъ ҳажми бир хилда бўлмаган ва иқтоъдорнинг ижтимоий мавқеи билан боғлиқ бўлган. Хусусан, йирик амирлар ва кўчманчи қабилаларнинг сардррларига тегишли иқтоъ фақат битта вилоят билан чегараланган. Масалан, Қундуз—Абдурахмон оталиқнинг иқтоъси, Термиз—Уразбий оталиққа тегишли, Жузжон—Хўжамбек тўқсабонинг иқтоъси, Андароб—Ёдгор кўрчига тегишли бўлган. Шаъзодаларнинг иқтоъси эса жуда катта ҳудудларни ўз ичига олган. Чунончи, 163031 йили Нодир Муҳаммадхон қуйидаги вилоятларни фарзандларига иқтоъ қилиб берган: тўнғич ўғли Абдулазизга Балх мулки ғарбий вилоятларининг катта қисмини, яъни Маймана, Шибирғон, Дарзоб ва

Форёбларни инъом қилган. Орадан беш йил ўтгач, 163536 йили уларга Андхуд ва Жузжон вилоятларини ҳам қўшиб берди. Бу иқтоънинг шарқий худуди деб Хатабот кўприги, ғарбда—Мурғоб дарёси, шимолда—Амударёнинг жанубий қирғоғи ва жанубда—Ғур вилояти қабул қилинди. Ҳажм жиҳатидан Нодир Муҳаммадхоннинг бошқа ўғилларига тегишли бўлган иқтоълар ҳам Абдулазиз султоннинг иқтоъсидан қолишмаган. Масалан, Баҳром султон Хутталондек катта ўлканинг эгаси бўлган ва Вахш, Балжувон, Кубодиён, Помир ва Хашт ноҳияларини ўз ичига олган, Хусрав султонга эса тақрибан ўттиз ноҳияни (Айбак, Арханг сарой, Бағлон, Ғури, Қишм, Норин, Русток, Толиқон, Фархор, Хуст ва бошқаларни) ўз ичига олган Тохаристон иқтоъ тарзида инъом этилган. Нуфузли амирлардан олчин қабиласидан бўлмиш Ялангтўшбий ҳам йирик иқтоъ эгаси бўлган. Унга Дарайи суф, Мулғон, Коҳмерд вилоятлари, тулкичи, сайқанчи чиранги, килаги, ҳазораникудорий сингари кўчманчи қабилаларнинг юртлари, яъни Ғазна ва Қандоҳоргача бўлган худудни ўз ичига олган Гарчистон иқтоъ тарзида инъом этилган. Рус элчиси Анисим Грибов (1641) ҳам Ялангтўшбийга тегишли иқтоъ худудларини тақрибан зикр этилганидек тартибда баён этади. Унинг ахборотида, чунончи, қуйидагиларни ўқиш мумкин: «Балхдан солиқ йиғиш учун Ҳиндистон давлати сарҳадларида жойлашган Ҳиндикуш қишлоқларигача борилади. Балхдан то Ҳиндикуш бағридаги ҳинд қишлоқларига олиб борувчя йўл отлик учун 7 кун, туяда эса 14 кунлик йўл ва ундан кўпроқни ҳам талаб қилади. Балх ва ҳинд сарҳадлари оралиғидаги қишлоқлар, шаҳарлар Бухоро ва Балх хонларининг яқин кишиларида бўлмиш амир Ялангтўшнинг мулки ҳисобланади». «Балх уласрор» муаллифи Ялангтўшбийни хондан кейин иккинчи, энг бадавлат шахс деб таърифлайди, унинг молмулки миқдорини эса давлат хазинаси билан қиёслайди.

Тархон фахрий номи баъзи ҳолларда савдогарларга ҳам берилган. Тархонлик имтиёзлари хорижий савдогарларга ҳам берилиши мумкин эди. Масалан, тарихий ҳужжатлар тўплами "Мактубот ва аснод"да

таъкидланишича, Туркиядан келган Хўжа Илёс Чалабий тархон ёрлиғига мувофиқ ўз фаолияти ва Мовароуннахр худудига келган вақтда тамга ҳақи ва бошқа хил мажбуриятлардан озод қилинган.

Охироқибат давлат ерларини шартли эгаллик суюрғолликка берилиши ва тархон дахлсизлигининг ёйилиши хазина даромадининг қисқаришига ва марказлашмаган давлатга ўтилишига олиб келди. Айрим темурийларнинг ушбу жараёни тўсишга бўлган уриниши алоҳида муваффақият келтирмади. "Туркларнинг" тиули ҳарбий лашкарбошиларига, айти ҳолда, турк кўшинлари бошлиқларига ажратилган ерлардан олинадиган даромад ҳақида Абдураззоқ Самарқандий маълумот бериб ўтади.¹⁸

Темурнинг ҳарбий юришлари давомида тиул Эрон ва Кавказортида тарқалган.

Деҳқончилик майдонларининг иккинчи каттагина қисми хусусий ерлардан иборат эди. Шубҳасиз, йирик мулкдорларнинг катта ер майдонлари ҳам, меҳнаткаш зироатчиларнинг майда пайкаллари ҳам хусусий мулк қаторига кирган. Мулк ерларининг катта қисми маъмурий, ҳарбий ва диний арбобларнинг тасарруфида бўлган. Масалан, XV асрнинг иккинчи ярмида яшаган йирик мулкдорлардан Хожа Аҳрорнинг 1300 га яқин ермулки бўлган. Бу мулкларнинг айримлари 300 кўшга тенг бўлган.

Бош ҳукмдор томонидан йирик мулк эгаларига бирон хизмати учун тархонлик ёрлиғи бериш кенг тарқалган. Тархонлик ёрлиғини олган мулкдорлар, асосан барча солиқ, тўлов ва мажбуриятлардан озод қилинган. Тархонлик ёрлиғи, одатда, амирлар, беклар, сарой амалдорлари, саййидлар ва бошқа юқори табақа вакилларига берилган. Бундай ёрликни олган мулкдор исмига тархон сўзи кўшиб айтилган.

Тархонларнинг аксарияти жуда бой бўлган. Масалан, бу даврда Ҳирот атрофидаги мулклар Дарвешали Тархон, Самарқанд ва Бухоро атрофидаги жуда катта ерлар Абуали Тархон кўлида тўпланган эди. Бобур Абуали

¹⁸ Абдураззоқ Самарқандий. Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-бахрайн. Форс-тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли лугатлар А. Ўринбоевники. Тошкент, 1963.

Тархоннинг шоҳона ҳаётини тасвирлаб, унинг ҳашаматли саройи, хизматидаги уч минг кишидан иборат хизматкору навкарлари, ўтказган дабдабали тўйтомошалари, берган қимматбаҳо совғасаломлари ва халққа қилган жабрзулмлари тўғрисида ёзган.

Темурийлар ҳукмронлигининг сўнгги даврида Бухоро, Самарканд, Шаҳрисабз ва бошқа вилоятларнинг деҳқоиларидан ҳамда шаҳар аҳолисидан йиғиладиган давлат даромадларининг анчагина қисми тархонлар кўлида тўпланиб, Мовароуннаҳрда улар ғоят катта кучга айланган эди. Мамлакатнинг сиёсий ҳаётида тархонларнинг нуфузи кучли бўлиб, улар жуда катта сиёсий ҳуқукдан фойдаланар эдилар. Ҳатто ўзаро низолар вақтида тархоннинг қўллабқувватлаши бирорта вилоят ҳокимининг тақдирини белгилашда баъзан ҳал қилувчи аҳамият касб этарди.

XV асрда ҳам, аввалги даврлардагидек, жуда кўп ерсув масжид, Мадраса, хонақоҳ, мақбара ва мозорларга бириктирилиб, бундай ерлар мулки вақф деб аталган. Маълумки, Амир Темур ва Темурийлар ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда каттакатта деҳқончилик ерлари вақф қилинган. Одатда, ер ва сувдан ташқари, кўплаб дўкон, корхона, тегирмон, обжувоз, бозор, карвонсаройлар ҳам вақф қилиниб, улардан тушган даромад масжид, Мадраса, шифоҳона ва хонақоҳларнинг таъмири, жиҳози, мутавалли, мударрис, табиб ва талабаларга бериладиган нафақалар ҳамда лангархона (мусофирхона) ва шифоҳоналарнинг кундалик эҳтиёжи (озиковқат, ёқилғи ва ёриткичлари) учун сарф этилган.

Деҳқончилик ерларининг муайян қисми қишлоқ аҳолисининг умумий тасарруфида бўлган. Бундай ерлар қишлоқ тўплари ёки жамоаларнинг мулки ҳисобланган. Шубҳасиз, бундай шаклдаги жамоа ерлари мулкчиликнинг қадимий турларидан бўлиб, улар кўпроқ сувга танқис тоғ ва тоғолди худудларида бирмунча кенг тарқалган эди. Бундай жамоавий мулкчилик, одатда, кам сувли тоғ жилғаларининг сувини жамғариш ёки ерости сувларини ер юзига чиқариш учун қишлоқ жамоаларининг кучи билан барпо

этилган ўта машаққатли ва мураккаб сув иншоотлари — кулмакли ҳовузлар ва коризлар воситасида ўзлаштирилган ерларда вужудга келган.

Мулкчиликнинг бундай тури, шубҳасиз, Темурийлар ҳукмронлиги даврида унчалик кенг тарқалган бўлмасида, ҳар қалай мавжуд эди.

XV асрда Мовароуннаҳр ва Хуросонда ер эгалари дехқон, экин майдонларига ишлов берувчилар музорий деб юритилган.

Музорийлар, яъни зироатчилар қишлоқнинг меҳнаткаш табақаси бўлиб, улар тўрт гуруҳга бўлинган: давлат ерларида ишловчи музорийлар; мулкдорларнинг ерларини ишловчи музорийлар; ўз ерига эга бўлган дехқонлар; вақф мулкларида ишловчи музорийлар.

Музорий давлат ёки вақф ерларида ҳам, тархон ёки суюрғол эгалари каби йирик мулкдорларнинг ерларида ҳам ёлланма зироатчи бўлиб дехқончилик қилган. Унинг ҳосилдан оладиган ҳиссаси ер эгалари ердан ташқари, уруғлик, омов, хўкиз, отарава қабиларни беришига қараб белгиланган. Қандай ер да дехқончилик қилишидан қатъи назар, музорий ҳамма вақт солиқларни тўлар ва мажбуриятларни ўтар эди.

Темур ва Улуғбек даврларида ернинг маълум қисми вақф этиб берилган. Вақф ерлар диний, хайрия, ўқув ва бошқа муассасалар фойдасига ташкил этилган. Назарий жиҳатдан вақф ерлар дахлсиз саналса ҳам амалда бу қоидага ҳар доим ҳам риоя этилмаган. Вақф ерларидан солиқ олиб одатда ижарага берилган. Ижарадор мутавалли билан тузилган шартномага кўра, мазкур ердан маълум вақт мобайнида солиқ олиш ҳуқуқига эга бўлган. Маълум миқдордаги пулни олиш қийин бўлган, шунингдек, ҳокимиятга эга шахсларга вақф мулкани ижарага бериш таъқиқланган, вақф ёрлиқларида вақф мулкидан йиғилган даромадни ўзлаштириш ҳоллари мавжуд бўлганлиги ҳақида айтилади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мутаваллилар ўз вазифаларини суистеъмол қилган ҳоллар ҳам бўлган.

1420 йил Улуғбек ўз ихтиёри билан ер ва суғориш каналларини Самарқанддаги Мадраса фойдасига ўтказди. Ундан келадиган даромад мазкур Мадраса харажатларини бир неча баробар қоплар эди. Вақф ерларини

қайта ишлаш нуқтаи назаридан Ишратхона вақф ёрлиғи қизиқиш уйғотади. Мана шу хужжатга мувофиқ (1464 й.) вақфга Абу Сайд (14511469) қизи Султонбека сағанаси фойдасига Сарой Малик кишлоганинг ярми унга тегишли ерлар билан бирга ўтказилган. Шунга қўшимча равишда 32 чўри, ерни қайта ишлаш учун 20 жуфт хўкиз, 12 туя ва бошқа буюмлар берилган. Ушбу вақф хўжалигининг тақсимловчи мутаваллиси "Вақфнома"га кўра Хованд Султонбеканинг ўзи бўлиб қолди.

Ўттиз икки кишидан иборат қул ва чўрилар бундан буен "баъзилари ушбу кишлокца ер хўжалиги ишлари билан, бошқа бирлари эса ушбу гумбазли бинода (Ишратхона) супурибсидириш, йиғиштириш ва ошпазлик билан машғулдирлар", дейилади бир вақф хужжатида. Вақф ерларидан олинган дон вақф мулки эҳтиёжлари учун сарфланиши, шундан қолгани эса вақф ёрлиғи шартларида кўрсатилган ҳолда пул билан йил тугагандан кейин ҳар бир қул ва канизак оиласига берилган ҳамда 24 ман ўлчовида катта самарқандча тарозуда уч хил дон буғдой, арпа, тарик тарқатилар эди. Ҳар бир ёлғиз кишига эса йил тугаши билан пул (хужжатда микдори кўрсатилган) ва уч хил дон 12 ман ўлчовидан берилиши кўриб чиқилган.

Вақф ёрлиғида қайд этилганига мувофиқ, мазкур ҳолда вақф ерларига берилган қайта ишлов ўша вақфда айтилган қулларга ва ишчи ҳайвонларга юклатилган.

Асосан вақф ерлар, аниқроғи улардан солиқ йиғиш уч йилгача ижарага бериш шарти билан деҳқонларга топширилган. Охирги шарт шариятга асосланган бўлиб, унга кўра бирор киши томонидан уч йилдан ортиқ тўхтовсиз ишлов берилган ер унинг шахсий мулки бўлиб қолиши мумкин бўлган.

Шу билан бирга сунний руҳонийлар роли ушбу даврда (XIV аср охириXV аср) юқори бўлган. Шунинг учун вақф мулкига эгалик қилишни давлат миқёсида юқори лавозимни эгаллаган аъёнлар вакилларигина ҳал қилган. Мулкни эгаллашни очик эмас, ижара кўринишда амалга оширишган,

Баъзан, охиरोқибат вақф мулкининг бир қисми бошқа бир кучли ҳукмдор қўлига ўтиб қолиши мумкин бўлган.

II БОБ Амир Темури ва теурийлар давлатида солиқ ва молия тизими

2.1 Солиқ турлари, уларнинг йиғиб олиш тартиби ва хазина назорати ҳақида

Амир Темури жаҳондаги 27 мамлакатни босқичмабосқич ўз давлати таркибига киритиб, ягона давлат сафида бирлаштирди, уларнинг иқтисодиёти ва молия тизимини такомиллаштирди. Бу мамлакатларнинг табиий шароити бир хил бўлмаганидек, уларнинг иқтисодий ривожланиш даражалари ҳам, шунингдек аҳолининг турмуш даражаси, машғулотлари, бошқа мамлакатлар билан савдо алоқалари ҳам бир хил эмас эди.

Амир Темури бу ўлкаларни идора қилиш усуллари ҳақида ўйлар экан, уларнинг ҳар бйрида йилига қанча ялпи даромад вужудга келиши, у қандай усуллар билан тақсимланиши, давлат ихтиёрига тўланадиган тўловлар ва бошқа масалаларни кўз олдига келтирар, уларни шариат қонунларида кўрсатилган тавсиялар, аввал ўтган подшолар тажрибаси билан солиштирар ва маълум хулосаларга келар эди.

Шу муносабат билан Амир Темурининг ягона мустаҳкам салтанатни шакллантириш стратегиясида молия муаммолари ўзининг муҳимлиги билан бошқа муаммолардан ажралиб турар эди. Молия давлат пул ресурсларининг марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган фондларини вужудга келтириш, тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, улардан фойдаланишдаги иқтисодий муносабатларни ифода қилади. Бу даврда пул муносабатлари етарли ривожланмагани сабабли натура ҳолидаги давлат ресурсларининг ҳаракати ҳам Темурининг диққат марказида бўлган.

Амир Темури, аввало, давлат молиясининг мўғул ва бошқа босқинчиларга қарамлигини узилкесил тугатди; улкан давлатнинг мустақил давлат молиясини яратди ва уни муттасил такомиллаштириб борди. Марказлаштирилган давлат таркибига кирган барча мамлакатлар молиясини

бир тизимга бирлаштирди ва уларни маъмурий бошқариш талаблари асосида идора қилиш усулларини жорий этди.

Қуръон талабларини ўзида ифода қилган молия соҳасидаги шариат қонунлари асосида солиқ тизимини шакллантирди, бунда ҳар бир мамлакат ва аҳолининг хусусиятларини эътиборга олиб, қатор имтиёзлар жорий қилди. Давлат хазинаси ресурслари ва маҳаллий улус ҳамда туманлар ихтиёридаги маблағлар таркибига аниқлик киритди, уларнинг марказ билан молиявий муносабатларини такомиллаштирди. Европада биринчи бюджет тузилишидан (XVII аср) тахминан 3 аср аввал мамлакатни идора қилишда бюджетнинг дастлабки куртакларини ишлаб чиқди ва жорий қилди.

«Темур тузуклари»да ҳар қандай жамият учун иқтисодиёт устуворлиги ифодаланиб, қуйидаги хулоса берилган: «... давлату салтанат уч нарса билан: мулк, хазина ва лашкар билан тикдир. Доно вазир буларнинг ҳар учаласини яхши аҳволда саранжом тутуди». Бу хулоса кўпроқ хазинага тааллуқлидир, чунки узбек давлатчилигининг Амир Темургача бўлган тарихида қадим замонлардан бери хазинани идора қилишда Салжуқийлар сулоласининг машҳур вазири Низомулмулкнинг «Сиёсатнома»сида тушунтириб берилган тартибот сақланар эди.

Ҳозирги замон тили билан айтганда, давлат ихтиёридаги хазина — икки фонд дан таркиб топган. Биринчиси асосий хазина бўлиб, бунда узок йиллар давомида авлодданавлодга мерос бўлиб келган дурдоналар сақланар эди. Иккинчи фонд жорий харажатлар учун мўлжалланган, бунинг учун маблағ етишмаганда биринчи фонддан «қарз» олинар эди. Йиллар давомида хазинанинг аҳволи ўзгариб турган, баъзан тақчиллик сезилиб, уни тўлдириш учун кўшимча солиқ ва йиғинлар чиқарилган.

Амир Темурнинг хазинани бошқаришдаги тартиботи шундан иборатки, у хазинадаги биринчи жамғарма фондини сақлаб қолган ҳолда иккинчи фонднинг шаклланиши ва сарфланиши устидан назоратни кучайтирди. Ҳар иккала фонддаги маблағ лар ҳаракати ёзиб бориладиган бўлди. Бундан ташқари, иккинчи фонд харажатларига маблағлар бериш вазирлар зиммасига

юклатилди, ҳар бир вазир ўзига топширилган даромад ва харажатлар устидан назорат олиб борадиган бўлди.

Энг муҳими марказий хазина билан улуслар ўртасидаги молиявий муносабатларга аниқлик киритилди. Маҳаллий эҳтиёжлар белгиланган тартибда маблағ билан таъминланадиган бўлди. Амир Темур аксар ҳолларда хазинанинг жорий харажатлар манбаи ҳисобланган иккинчи бўлимига алоҳида эътибор берган. Б у ҳол Амир Темурнинг солиқларнинг демократик хусусиятини яхши, чуқур ўрганганлигидан далолат беради.

Тарихдан маълумки, бир давлат иккинчи давлат ҳудудини ўз ихтиёрига олса, енгилган давлатдан товон пули — бож олган, солиқларни енгиллаштирмасдан, янги солиқлар киритиш ҳисобига солиқ юкини оғирлаштирган.

Амир Темур бундай усуллардан фойдаланмаган. «Амр этдимки, — деб ёзган эди у «Тузуклар»да, — раъиятдан мол хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш керак. Негаки, раъиятни хонавайрон қилиш давлат хазинасини камбағаллаштиришга олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса, сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқоқлиги, ўз навбатида, салтанатнинг кучсизланишига олиб боради» (40).

Амир Темур ўз фикрини давом эттириб, ёзади: «... яна буйруқ бердимки, ҳар бир мамлакат фатҳ этилгач, тур ли кўнгилсиз ҳодисалардан омонликда бўлсин, унинг ҳосил даромадларини ҳисобга олиб иш тутсинлар. Агар ер лик фуқаро азалдан бериб келган хирож миқдорига рози бўлса, уларнинг розилиги билан иш кўрсинлар, акс ҳолда (хирожни) тузукка мувофиқ йиғсинлар»

Амир Темур давлатни бошқаришининг илк даврида мўғуллардан ва маҳаллий ҳокимлардан унга кўплаб солиқ ва йиғимлар мерос қолганди. Масалан, аҳолидан маҳаллий ҳукумат хазинаси учун мўғуллар қуйидаги солиқларни ундирганлар: 1) ер ёки даромад солиғи. Олий мансабдорлар бу солиқдан озод қилинган; 2) кубчур — кўчманчи аҳолидан олинган; 3) тарғу

— хунармандлар ва савдогарлардан олиниб, ишлаб чиқарилган ёки сотилган молнинг ўттиздан бир қисми ҳажми ҳисобида белгиланган; 4) туз солиғи; 5) жон ёки кумуш солиғи. Аҳоли турли элчилар тўхтаган жойларда уларга отулов етказиб берган, озиқовқат билан таъминлаган. Бундан ташқари, мамлакат хунармандлари тутун деб аталган махсус тўлов тўлаб турганлар

Шуни таъкидлаш керакки, Амир Темур даврида мамлакат иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги ҳал қилувчи роль ўйнаган. Миллий даромаднинг энг кўп қисми шу соҳада яратилган.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини асосан ер эгалари бўлган деҳқонлар ва ерга ишлов берувчи ижарачилар амалга оширганлар. Бу даврда асосан деҳқончилик билан боғлиқ бўлган икки турдаги: хирож ва ушр солиғи амал қилган. Давлат хазинасига келадиган даромадларнинг аксарияти ана шу солиқларга асосланган.

Бундан ташқари, қишлоқда боғдорчилик, чорвачилик ривожлангани учун молсардарахт, мол ўтлоқ, мол сувлоқ, миробона солиқлари ҳам амалда бўлган. Ер солиғи етиштирилган ҳосилга ва ернинг сифатига қараб ҳосилнинг 1/10 дан (ушр) то 1/3 қисмигача миқдорида олинган. Савдогарлар ва хунармандлар тамға ёки закот тўлашган; чегарадан ўтган моллар ҳисобидан ҳам бож олинган. Бу солиқлар давлат хазинасининг асосий манбаи ҳисобланган. Маҳаллий бошқарув маҳкамалари ихтиёрига жон солиғи—саршумар, уй боши солиғи —хонашумар, фавқулодда солиқлар— аворизот олинар эди. Амир Темур фавқулодда солиқларнинг талай қисмини бекор қилди.

Амир Темур давлат арбоби даражасига кўтарилгандан кейин солиқларнинг демократик хусусиятини кўзда тутиб, унинг ҳар бир мамлакатда қандай олинганлигини аниқлаш билан жиддий шуғулланганлигини исботлайдиган далиллар мавжуд. Шулардан бири XVIII асрда яшаб ижод этган инглиз иқтисодчиси Адам Смитнинг бир асарида келтирилган тамойилларнинг XIV—XV асрларда, яъни 3—4 аср олдин башорат қилинганлигидир.

Биринчи тамойил — солиқ солиш ва ундиришда адолатпарварлик тамойили. Бу тамойил солиққа тортишнинг оммавий давлатлатлариниинг йиллик даромадларидан қолишмас эди. Айрим йиллар ҳатто Амир Темур қўл остидаги барча мамлакатлардан келадиган ер солиғи миқдори билан тенглашарди.

Хазинанинг кам тилга олинадиган даромадлари ҳақида сўз борар экан, Амир Темур давлати таркибига кирган ва хазинаси мусодара қилинган мамлакатлардан марказий хазинага келиб тушадиган ўлжа сифатидаги ноёб молмулкларни, қазиб олинган нодир металллар, олтин, кумуш ёмбилари ва кўплаб бошқа бойликларни ҳам тилга олиш жоиз.

Кўксаройдаги йирик хазина жамғармааслаҳоналарда Амир Темур Тўхтамишхонни тормор қилгандан кейин Табриз ва бошқа шаҳарлардан, Олтин Урда хазиналаридан қўлга киритилган ашёлар, Деҳлидан келтирилган, аслида ҳинд хунармандлари юксак дид билан ясаган жозибали осори атиқалар, ҳатто Туркия султонлари салиб юришлари иштирокчиларидан мусодара қилган ва бошқа хилмахил ноёб тарихий анжомлар мавжуд бўлганлиги бир қатор тарихий манбаларда тилга олинган.

Солиқлар тушуми каби улар ҳам рўйхатга олингану, лекин сипоҳлар ўртасида тақсимланган қисми рўйхатга киритилмаган. Афсуски, бу улкан хазина китоби бизнинг давримизга қадар сақланмаган. Булардан ташқари, хазинага олтин ва кумуш конлари, нодир металллар қазилмаларидан келтириладиган дурдоналарни ҳам ҳисобга олиш зарур. Амир Темур замонида унинг салтанатининг 40 га яқин шаҳрида, шу жумладан Самарқандда пул зарб қилиниб, бу корхоналар даромадларининг 3/4 қисми хазинага ажратилган.

Хўш, шунчалик катта хазинага эга бўлганлигига қарамай, Амир Темур нима сабабдан фуқароларни солиқдан буткул озод қилмаган, деган савол туғилиши табиий.

Амир Темур улкан ҳарбий муваффақиятларни нишонлаш учун айрим ҳолларда Самарқанд ва бошқа шаҳарлар, ҳатто қишлоқлар фуқароларини 1 — 2 йилга солиқдан озод қилган. Лекин хазинанинг аҳволи ҳамма вақт ҳам бир

хил бўлмаган. Хазинадаги маблағлар етишмаганида сипоҳларга пул ўрнига квитанция берилганлиги ҳам солномаларда қайд қилинган. Амир Темур ўзига қарашли мамлакат аҳолисини барча солиқлардан озод этиш хазина тамойилларига зидлигини яхши билар эди. Ёшлик даврида Абулқосим Фирдавсий асарларини чуқур ўрганган Амир Темур мамлакатни бошқаришда солиқларнинг аҳамияти хусусида, жаҳон мамлакатлари билан иқтисодий муносабатлар ўрнатишда, умуман давлатни бошқаришда улар муҳим восита эканлиги ҳақида тегишли хулосалар чиқарган. Давлатнинг маҳаллий ва марказий бўғинлари харажатларини маъмурий идора ва саройнинг умумий сарфлари; ҳарбий харажатлар ва ҳарбий аҳамиятга молик харажатлар; мамлакат ободончилиги ва юрт фаровонлигини оширишга қаратилган харажатлар; илмфан, маъданий ва диний тadbирлар билан боғлиқ харажатлар; ижтимоий ҳимоя харажатлари ва бошқа — сарфларга ажратиш мумкин.

Маъмурийбошқарув харажатлари хусусида сўз юритилар экан, Амир Темур салтанатининг 4 улусга бўлингани, ҳар бир улус бир неча мамлакатдан иборат эканлиги ва уларни Амир Темурнинг ўғиллари бошқарганлигини кўрсатиб ўтиш керак. Масалан, Мироншоҳ Озарбойжон, Ироқ, Арманистон худудларини бошқариб, уларни бирлаштирган улусга ҳоким бўлган. Ҳар бир мамлакат ўз навбатида қатор туман ва шаҳарларга бўлинган. Бу бошқарув у су ли мўғуллардан кўчган. Ҳар бир улус ихтиёрида ўрта ҳисоб билан 7 мингдан 12 мингга қадар сипоҳи бўлган. Уларга улус маҳкамасидан ҳақ тўланган. Бинобарин, улуслар ҳарбий харажатларининг ва маҳаллий маҳкамалар харажатларининг талайгина қисмини ўзида марказлаштирмай, у ни маҳаллий маҳкамалар зиммасига юклаган. Айни вақтда барча киримчиқимлар назорат қилиб турилган.

Амир Темур даврида бюджетнинг дастлабки куртаклари пайдо бўла бошлаган. Гап шундаки, илгари даромад ва харажатлар хазинабон дафтарида қайд қилинган бўлса, эндиликда, бу вазифа ҳар бир вазирлик бўйича меҳнат тақсимоти асосида амалга оширила бошланди; даромад ва харажатлар ихтисослашган гуруҳлар бўйича ҳисобга олинадиган бўлди.

Амир Темур девонидаги 4 вазир томонидан киримчиқим сметасини тузиш маҳаллий маҳкамаларга нисбатан қулайроқ бўлган эсада, маҳаллий маҳкамаларда харажат турларининг кўплиги ишни анча мураккаблаштирган бўлиши керак.

Марказий девонда хизмат қилувчи вазирлар ўргасидаги меҳнат тақсимотида молия масалалари марказий ўрин эгаллаган. Бунда ҳар бир вазирлик" бўйича киримчиқим сметаси тузилган, тушадиган даромадлар ва қилинган харажатлар ҳар куни ҳисоблаб борилган. Бюджет куртаклари фақат марказий . девондагина эмас, балки маҳаллғи бошқарув маҳкамаларида ҳам ривожлана бошлаган.

«Амр қилдимки — дейилади «Тузуқлар»да, — сарҳадлар ва менга тобеъ мамлакатларга оид ишларга масъул уч вазирдан иборат давлат ҳайъати (холиса) тузилсин. Улар мазкур ерлардаги молия муаммоларни ва келадиган даромадларни бошқарсинлар... Салтанатнинг ҳар бир идорасида киримчиқимларни, кундалик харажатларни ёзиб бориш учун бир котиб тайинлансин» (44).

Бюджет куртакларининг учинчи йўналиши — даромад ва харажат мувозанатини смета орқали аниқлаш, уни таҳлил қилиб, улус, туман, қолаверса, мамлакат иқтисодиётига баҳо бериш учун маълумот ҳозирлашдир. «Қайси амирга тиюл берилар экан, ■* дейилади «Тузуқлар»да, — уни 3 йилгача ўз ҳолига қўйсинлар. Уч йил ўтгандан сўнг уни текшириб кўрсинлар: агар мамлакат обод, раъият рози экан, шу ҳолича қолдирсинлар; агар аҳвол бунга хилоф равишда бўлса, ул вилоятни холиса фуқаролари солиқлардан озод қилишга ўтказилиб, уч йилгача ўша жогирдорга улуфа берилмасин» (45). Бу йўналиш бюджет куртакларидан бири қаторига киритилиши сабаби шундаки, унинг натижалари улус ва туманларнинг келажакдаги молиявий аҳволига таъсир кўрсатган.

Харажатларни маромга келтириш шаклланаётган бюджет тизимининг бўлажак куртакларидандир. Амир Темур давридан илгари маълум йўналишларда ҳақиқий эҳтиёжни ўрганмасдан, харажатлар чамалаб берилар

эди. Бунинг оқибатида ортиб қолган маблағлар хазинага қайтарилмасдан, англашилмовчиликларга сабаб бўлар эди.

Нормалар, биринчи галда, сипоҳилар, лашкарбошилар, шу билан бирга лавозимли вазирлик хизматчиларига бериладиган улуфаларда ўз ифодасини топган. Пуллик нормалар билан бирга моддий (натура) нормалар ҳам қўллана бошлади.

«Амр қилдимки, — дейилади «Тузуклар»да, — амирулумаронинг маоши ўз қўл остидагидан ўн баробар ортиқ бўлсин. Шунга ўхшаш девонбеги ва вазирларнинг маошлари амирлар маошидан ўн баробар кўп бўлсин. Ясовуллар, чаповуллар, қалақчиларнинг маошлари ўз хизматларига яраша мингдан то ўн минг тангагача бўлсин; аҳли мажлис бўлган саййидлар, олимлар, фозил кишилар: ҳақимлар, табиблар, мунажжимлар, қдссахонлар, хабарчилар, тарихдонларга ўз ҳолларига қараб, суюрғол, вазифа ва маош белгиласинлар. Пиёдалар, хизматчилар, фаррошларга юздан минггача маош берсинлар» (46).

Нормалаштириш усуллари, айниқса, моддий харажатларни ҳисоблашда кўзга ташланади. «Тузуклар»да кўрсатилишича, «оддий аскарлардан ҳар ўн саккиз киши учун ўзи билан бирга бир чодир (хайма) олеин, ҳар бир аскар икки от, бир камон, бир садоқ ўқдон (таркаш), бир қилич», арра, бигиз, бир қоп (жувол), жуводиз, болта, унта игна ва орқага осиладиган чарм халта (чарм пушт) олеин», (47) деб кўрсатма берилган.

Моддий нормалар ҳақида мулоҳаза юритар эканмиз, оддий сипоҳиларга уларнинг минган отлари баҳосида, баҳодирларга тўрт отнинг баҳосигача, ўнбошиларга сипоҳиларга нисбатан ўн баробар кўп маош тайинланганини яна бир бор такрорлаб ўтиш керак. Маошларнинг от баҳосида ўлчаб белгиланиши кўп вилоятларда товарпул муносабатлари ривожланмаганлиги, иккинчи томондан, пулнинг харид қуввати ўзгариб турганлиги билан боғлиқ.

Амир Темурнинг нафақат атоқли давлат арбоби, балки ўз даврининг буюк саркардаси бўлганлиги боис унинг фаолияти ҳарбий тарихчиларнинг ҳам диққатини ўзига тортган. Бунга мисол қилиб рус ҳарбий тарихчиси М.И.

Иванин асарларини келтириш мумкин. У ўз асарларида Амир Темур давлатидаги солиқ, маош ва мукофотлаш тизими ҳақида ҳам сўз юритган. М.И. Иваниннинг қуйидаги фикри ҳам аҳамиятлидир: “Амир Темур жисмоний жазо беришни ёқтирмаганлиги учун уни таъқиқлаб қўйган, ҳокимияти қамчи ва таёқдан кучсиз бўлган бошлиқ ўзи эгаллаб турган лавозимга мос эмас, дер эди.”¹ Унинг бу фикрини тасдиқловчи маълумотлар кўплаб учрайди. Масалан, “Темур тузуклари”даги қуйидаги сатрларни олишимиз мумкин: “Улар солиқларни буйруқ бериш ва яхши сўз билан олсинлар; калтак, арқон ишлатиб, ишни урушсўкишгача олиб бормасинлар. Уларни банд этиб, занжир билан кишанламасинлар”².

М.И. Иванин Амир Темурнинг қўшинларига тайинланган маош ва мукофотлаш тартибига ҳам тўхталади. Бу бўлимда ҳам у асосан, “Темур тузуклари”дан кенг фойдаланган. Лекин бир неча баҳсли фикрлар ҳам билдирилган. Масалан, М.И. Иванин ёзади: “Пул муносабатлари билан яхши таниш бўлмаган кўчманчи халқлар буюмлар қийматини одатда от, қўй, туя ва бошқа нарсаларнинг баъоси билан ўлчайдилар. Шу туфайли Амир Темур жангчи маошини шу жангчига тегишли отнинг нархига тенг қилиб белгиларди”³. Б. Усмонов М.И. Иваниннинг юқоридаги фикрига қуйидагича эътироз билдиради: “Бизнингча, муаллифнинг бу фикри нотўғридир. Бу ҳақда ушбу асарнинг Тошкент нашри муҳаррирлари Юнус Музаффар ва Урфон Отажонлар қўйидагича фикр билдиришган: “Амир Темур пул кадри ва нархнаво ўзгарганда жангчилар зарар кўрмасликлари учун маошни шундай тайинлаган. Нархнаво ўзгариши туфайли қимматчилик бўлиб кетадиган ҳолларни назарда тутиб от нархини маош учун мезон қилган. Бу ҳол Амир Темурни иқтисодиётни ниҳоятда чуқур билишидан ва авом муҳофазасини ўйлаб иш юритганидан далолат беради”. Мазкур фикрларга қўшилган ҳолда, “шу жангчига тегишли отнинг нархига тенг” сўзларига

¹ Иванин М. Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур -Т.: Фан, 1994. Б.132

² Темур тузуклари -Т.:Ф. Ғулом, 1994. Б.99.

³ Иванин М. Ўша асар. Б.133.

эътиборни қаратмоқчимиз. Демак, маош ҳар бир жангчининг ўз отининг нархи билан белгиланган. Ҳар бир жангчининг оти ва шу отнинг нархи бошқасиникидан фарқ қилган. Бу ҳол ўз навбатида жангчиларнинг маоши ҳар хил бўлишига олиб келган. Натижада жангчи доимо сифатли отга эга бўлишга, отни доимо яхши ҳолатда сақлаб туришга мажбур бўлган. Чунки, унинг маоши шунга боғлиқ эди”¹.

М.И. Иванин пиёда аскарлар отлик аскарлардан кўра кўпроқ маош олганликларига эътибор беради. Унинг фикрича, пиёда аскарларнинг катта маош олиши уларни хизмати шарафлироқ ва отлик жангчиларникидан машаққатлироқ бўлгани билан боғлиқ. Пиёда аскарлар сараланган ва синалган жангчилардан иборат бўлганлиги, уларни таъминлаш хазинага қимматга тушиши сабабли улар кўп сонли бўлмаган. Маош, асосан, пул билан тўланган бўлса керак. Чунки арпа ва буғдой билан маош тўлаш доимий ҳарбий ҳаракатда бўлган, жуда кўп ҳолларда оиласи билан кўчиб юрган қўшин ҳаракатини секинлаштириб, оғирлаштириб қўйиши мумкин эди. Маош учун берилиши керак бўлган арпа ва буғдой жуда катта миқдорни ташкил этганлиги шубҳасиз. Кичик Осиёга юришдан аввал 200 мингдан ошиқроқ қўшинга 7 йиллик маош бирданига берилганлиги фикримизни исботлайди. Агар жуда муҳим бўлган бу юришдан аввал дон билан маош берилганда, Амир Темур қўшини бунчалик тезкор ҳаракат қила олмаган бўларди. Маош тўлашнинг натура усули айрим ҳолларда қўлланган бўлиши керак.

Шаклланаётган бюджет куртакларидан бири марказий девонда ва улусларда, туманларда молия назорати ўрнатилиб, қонунбузарларга нисбатан жазо чоралари белгиланишидир. Агар амалдорларнинг ўзлаштириб олган маблағи маошидан икки баробар ортиқ бўлса, шу ортиғи навбатдаги маошидан ушлаб қолинган, 3 баробар кўп бўлса, ҳаммаси айбдордан ундирилган (48).

¹ Усмонов Б. Россия тарихшунослигида Амир Темур сиймоси – Т. : Фан. 2011. Б. 37

Бюджет куртакларидан яна бири маҳаллий ҳокимиятлар ўз тасарруфидаги муассасалар фаолияти ҳақида керакли маълумот ва ҳисоботларни олиб туришидир. Ана шу ҳисоботлар маблағлар ҳаракати устидан назорат ўрнатишга ёрдам берган. Лекин бу маълумот лар ҳозиргидай жадвал шаклида эмас, балки оддий изчил ёзма шаклда тақдим қилинган бўлса керак. Маълумки, жадвал, статистика фани маълумотларига қараганда, кейин қўллана бошланган, шу сабабли маълумот лар чалкашликлардан холи бўлмаган. Шундай қилиб, Амир Темур салтанатида Европа мамлакатларидан олдинроқ бюджет куртаклари вужудга кела бошлаган, молиявий ишларни ташкил қилишда ҳам бир қанча муваффақиятларга эришилган.

Ҳарбий ва ҳарбий аҳамиятга молик иккинчи гуруҳ харажатларда кўпданкўп ҳарбий юришлар ўз ифодасини топган бўлиб, уларни умумлаштириганда икки давр кўзга ташланади.

Биринчиси 1360 йилдан 1386 йилгача бўлиб, чорак асрни қамрайди. Иккинчиси 1386 йилдан 1402 йилгача бўлган даврдир. Иккинчи даврда биринчи даврга нисбатан кўпроқ миқдорда маблағ сарфланган. Биринчи даврда мўғуллар ҳукмронлиги узилкесил тугатилиб, марказлашган давлат барпо этиш учун қизғин кураш олиб борилган, иккинчи даврда эса «уч йиллик», «беш йиллик», «етти йиллик» ҳарбий юришлар ташкил қилинган. Узоқ йиллар мобайнида ташкил қилинган ҳарбий юришлар жуда катта миқдорда маблағ сарф этишни талаб этар эди. Амир Темурга тобеъ мамлакатлар сони кўпайиб, хазина имкониятлари ошган сари, ҳарбий юришларга ҳам илгарига нисбатан кенгроқ шароит вужудга кела бошлади. Масалан, Ҳиндистонга ҳарбий юришда 92 минг сипоҳи иштирок этган, буларнинг аксарияти отлик сипоҳилар эди. 1405 йили Хитойга мўлжалланган ҳарбий юришга 200.000 кишини сафарбар этиш белгиланган эди. Тўғри, биз барча ҳарбий юришлар ҳақида мисол келтириш имкониятига эга эмасмиз, лекин бу юришлар учун сарфланган харажатлар ҳақида фикр юритганда лашкарларнинг сонинигина эмас, балки уларнинг яроғаслаҳа, озиқовқат таъминотини ҳам кўзда тутишимиз керак.

Амир Темур ўша даврдаги ҳарбий техника янгиликларига алоҳида эътибор берарди. У ҳарбий қурооллар ясайдиган ҳунармандлик соҳасигагина эмас, балки Хитойга юриш бошланмасидан олдин Мовароуннаҳр сарҳадларида галла майдонларини кенгайтиришга ҳам эътибор берган. Ҳарбий харажатлар ҳақида гап борар экан, бу харажатлар ҳисобидан махфий разведкага эътибор кучайганлигини таъкидлаш жоиз.

Амир Темур айғоқчилик маълумотлари фақат ҳарбий вазиятни баҳолашдагина эмас, балки ҳар бир мамлакат иқтисодиётини ўрганишда ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини яхши тушунар эди.

Айғоқчилик мақсадлари учун Амир Темур давлатида кўплаб маблағ ажратилган. «Тузуқлар»дан келтирилган қуйидаги парча бу харажатлар ҳақида қисман бўлсада, тасаввур бериши мумкин: «...мингта тезюрар туя минган, мингта от минган елиб югурувчи кишини чопқунчи, минг нафар тезюрар пиёдани чопар этиб тайинласинларки, тур ли мамлакат лар сарҳадларнинг хабарларини, қўшни ҳукмдорларнинг мақсадлари ва ниятларини билиб, ҳузуримга келиб, хабар қилсинлар, токи бирон воқеа, қорхон юз бермасидан бурун чора ва иложини қилайлик. Чунончи, Тўхтамишхоннинг Ўрусхондан енгилгани ҳақида менга хабар келтирганларида, энди ҳузуримга паноҳ излаб келишини билдим. Шунинг учун Урусхонга қарши жанг қилишга тайёрлана бошладим» (49).

Амир Темур савдо қарвонлари ёрдамида ҳам турли мамлакатлар ҳақида маълумотлар тўплашга интиланган. Амир Темур ўз мамлакатига келган савдогарлар, сайёҳлар ва олимларни алоҳида ҳомийлик билан кутиб олар, яширин равишда махсус кишилар тайин этиб, улар орқали ўзини қизиқтирган маълумотларни билиб оларди. Бу махсус кишилар чет элликларнинг доимий хизматида бўлиб, уларни кўнглини олишга интиларди. Қеракли маълумотлар тўплаш учун эса бошқа мамлакатларга, асосан, дарвешлар жўнатилад эди. Манбаларда Амир Темурнинг нафақат қўшни мамлакатлар, балки олисдаги юртлар ҳақида ҳам барча зарур маълумотларга эга бўлганлигини тасдиқловчи маълумотлар бор. Бу эса Амир Темур қўлида анчайин катта

разведка аппарати бўлганлигини кўрсатади. Масалан, Амир Темур ва Ибн Халдун ўртасидаги суҳбатни олайлик. Ибн Арабшоҳ бу суҳбатни қуйидагича баён қилади: “Сўнгра Темур ўз одатию феълига кўра Ибн Халдундан Марғиб шаҳарлари ва ерлари васфини сўраб, унинг мавзеъларию йўллари, кишлоқларию сўқмоқлари, қабилаю халқларини (батафсил), аниқ баёнлаб беришни сўраган. Бундан мақсад Ибн Халдунни имтиҳон қилиш бўлиб, Темур бу нарсаларга муҳтож эмас эди. Чунки унинг тасаввур хазиналарида бутун мамлакатлар суратлари мавжуд эди”.¹ Демак, Амир Темур Яқин Шарққа юриш бошлашидан олдинроқ Марғиб мамлакатлари ҳақида кўплаб маълумотларга эга бўлган. Бу Амир Темурга келажак юришларнинг режаларини тузишда кўл келган. Албатта, Амир Темур бу ўринда йирик разведка ташкилотига таянган бўлиши керак.

Хивага қилинган 1839 йилги ҳарбий юриш барбод бўлганлиги сабабли ҳам М.И. Иванин Амир Темур кўшинларини ҳарбий юришлар вақтида қуроляроғ, озиқовқат захираси билан таъминланиши масаласини кенг ўрганadi. Аввало, унинг ҳарбий сафар вақтида кўшин ва кўшин ортидаги захираларнинг миқдори ҳақидаги фикри эътиборга молик: «Амир Темур кўшинлари кетидан жуда кўплаб аравалар, бевосита жангда қатнашмайдиган амалдорлар, кўшин сонидан деярли уч марта кўп бўлган отлар бориши керак эди. Қўшимча қуроляроқ афтидан юкчи от ва туяларга юклатиларди. Ўзининг охириги юришларида Амир Темур кўшинида Грегориан оловини, тош ва бошқа нарсалар отадиган мис қозонлар, манжанақ, қамал учун ишлатиладиган мосламаларни ўрнатиш учун керакли асбобускуналар бор эди, буларга яна талонтарож қилинган молдунёлар, асирлар ва чорва молларини ҳам қўшадиган бўлсак, кўшин кетидан қанчалик кўп аравалар боришини тасаввур қилса бўлади”².

Агарда М.И. Иванин фикрига таянадиган бўлсак, 200 минг кишилик кўшин юришга чиққан вақтда кўшин ортидан камида 500 минг от бориши

¹ Ибн Арабшоҳ. Ўша асар 2-китоб. Б.68.

² Иванин М. Ўша асар. Б. 151.

керак эди. Бунчалик катта карвонни кўриқлаш, юқори тезликда ҳаракат қилиш Амир Темурдан кучли ташкилотчиликни талаб қиларди. Шунинг учун ҳам М.И. Иванин Амир Темурнинг лашкари ва лашкар ортидаги қисмлари ўз даври учун жуда тез ҳаракат қилганлигини таъкидлайди ва унинг ҳарбий салоҳиятига қойил қолади.

Маъмурий бошқарув ва сарой салтанати харажатлари ўзининг тутган ўрни ва доимий такрорланиб туриши жиҳатидан ҳарбий харажатлардан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Биз ана шу харажатлар ҳисобидан дабдабали саройлар, осмонўпар меъморий ёдгорликлар, шаҳар атрофидаги бирибирдан гўзал боғлар, Аҳмад Яссавий каби буюк тарихий шахсларнинг хотирасини абадийлаштириш учун қурилган обидалар ва бошқа шаҳарлардаги муҳташам ёдгорликлар билан бирга, мамлакатнинг турли ерларида ўнлаб каналлар қазилганлиги, янги ерлар очилганлиги, чўлларга сув чиқарилиб, чорва чилик учун яйлов майдонлари кенгайтирилганлигини тилга олмасдан ўта олмаймиз. Лекин айрим тадқиқотчиларнинг Амир Темур асосий эътиборини фақат Самарканд, Шаҳрисабз, Ҳирот, Бағдод шаҳарларига қаратган, деган фикр ларига қўшила олмаймиз.

Амир Темур салтанатидаги харажатларнинг таркибий қисмларидан бири ижтимоий ҳимоя харажатлари эди. «Тузуқлар»да мамлакатдаги фақиру мискин, бирор касб билан шуғулланишга ожиз, шол, кўрларга давлат ҳисобидан нафақа бериш қайтақайта таъкидланади. Бундан ташқари, ҳар бир мамлакатдаги гадоларни тўплаб, кундалик ейишичишларини бериб, уларга бирор вазифа юклаш, иш билан таъминлаш ҳақида тавсиялар бор.

Амир Темурнинг эътироф этишича, мамлакатни хунук кўрсатувчи омиллардан бири гадоликдир. Гадоларни тугатиш учун уларни иқтисодий жиҳатдан етарли таъминлаш керак. Шу муносабат билан Амир Темур фақат гадоларнигина эмас, балки юқорида санаб ўтилган ночорларни ҳам иқтисодий таъминлаш учун хазина молининг бешдан бир қисмини ажратган.

Амир Темур даврига қадар мамлакат хазинасидан фан ва маданиятга маблағ ажратиш тасодифий ҳодиса ҳисобланган. Маҳмуд Ғазнавий жаҳон

аҳамиятига молик «Шоҳнома» асарининг ижодкори Абулқосим Фирдавсийга олтин билан эмас, балки кумуш билан мукоффи бериб, буюк сиймони умрбод ранжитган. Амир Темур эса олиму меъморлар, муҳандису шоирлардан хазина маблағларини аямаган.

Амир Темурнинг мактаб ва мадрасада жуда яхши билим олганлиги, шунинг учун диний ва дунёвий билимларни чуқур эгаллаганлиги таъкидлаб ўтилган. В.Череванский Амир Темурни “Темур тузуклари” ва “Таржимаи ҳол”нинг муаллифи деб тан олиб, бундай ёзади: «Ёзилган нарса авлодларга мерос сифатида қилинган ишдан кўра узоқроқ яшайди», деган гапга амал қилган Темур ўз фарзандларига ва набираларига “Ҳасби ҳол” ва “Тузуклар” каби икки муҳим адабий ёдгорлик қолдирди. Айрим гапсўзларга кўра, ушбу ҳар икки иншо айнан унинг қаламига мансуб. Унинг нафақат туркий, балки форсий тилини ҳам яхши билишини эътиборга олсак, бу гапга ишониш мумкин».⁴ Шунингдек, муаллиф Амир Темурнинг кутубхона ва китобларга бўлган муносабати ҳақида ҳам қатор ижобий фикрлар билдиради. “Ўлжалар орасида, деб ёзади В. Череванский, Бурсада қўлга киритилган кутубхона ҳам бўлган, деб тахмин қилиш мумкин. Шафқатсиз ғазабнинг учқунлари чирсиллаб турган лаҳзаларда олимларга шафқат инъом қилиб, уларни аскарлардан авайлаган Темур йилнома ва китобларни севимли кишиларнинг ижод маҳсулидек эъзозларди.... Одамларнинг айтишларича, Арманистон ва Бурса кутубхоналари безарар, омон қолган бўлиб, фойдаланиш учун фақат чуқур билимли уламоларгагина кириш рухсат этилган, минорада сақлаган. Вақт ва Ўрта Осиёнинг талонтарож қилиниши бу бебаҳо хазинанинг изларини текислаб юборди»⁵. Муаллиф бу фикрларини билдираётганда арман манбаларига суянган бўлса керак, чунки арман тарихчилари Амир Темур

⁴ Тер-Мкртичан Л. Армянские источники о Средней Азии VIII-XVIII вв. –М.: Наука, 1985. С. 65.

Арманистондан қайтаётганда арман йилномаларини йиғиб, олиб кетганлигини таъкидлаганлар.⁶

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, тарих кўп бора қанча китобларни ёқиб кул қилган буюк фотиҳларни кўрган. Христиан динига мансуб арман тарихчиларининг асарларини Самарқандга келтириб сақланиши эса Амир Темурнинг яна бир ўзига хос жиҳатини намоён қилади.

Кўплаб тарихчилар қатори В. Черевенский ҳам Амир Темурнинг меъморчиликка бўлган ҳавасини кўп бор қайд этади. Соҳибқирон ўзининг ҳар бир ғалабасини бирор бино ёки боғ қуриш билан нишонлаганлигини таъкидлайди. Амир Темурнинг меъморчиликка қанчалик қизиққанлигини муаллиф қуйидагича изоҳлайди: “Бироқ элчилар Темур Самарқандга келиши билан бизни қабул қилади, деб хато ўйлагандилар. Улар ва ҳатто ўз вазирларидан аввал Темур меъморларни, боғбонларни ва сангтарошларни қабул қилди. Улар Соҳибқирон олдида рангбаранглиги билан энг нозик дид талабларини ҳам ром эта оладиган тархлар, режалар ва намуналарни олиб келишди”¹.

Шунингдек, Лидский Амир Темурнинг давлат бошқарув услубига ҳам эътибор берган. Муаллиф Темур давлат бошқарувини яхши ташкил қилишнинг биринчи шарти сифатида моҳир раҳбарларни одамлар орасидан танлай билиш, деб ҳисоблаганлигини, солиқ йиғиш ишларига ҳокимлик мавқеи қамчи ва таёқдан паст бўлган раҳбарларни қўймаслик кераклигини таъкидлаганини ҳамда солиқ йиғишда халқни оғир аҳволга солиб қўйиш давлатга ҳам путур етказиши мумкинлигига эътибор қаратганлигини қайд этади³.

С. Лидский ўз мақоласида Амир Темур томонидан амалга оширилган бунёдкорлик ишларига, меъморчилик обидаларига ҳам тўхталиб ўтади.

¹ Череванский В. Ўша асар. Б. 165.

³ Ўша жойда.

⁴ Ўша манба. С.62.

Соҳибқироннинг илмфанга ҳомийлик қилганлиги, айниқса, тарих фанига жиддий қизиққанлигига эътиборни қаратади.⁴

Амир Темур истеъдодли ҳунармандларнинг моҳирона фаолиятига, тайёрлаётган маҳсулотларига юксак баҳо берар, оз вақт ичида кўп ва сифатли маҳсулот етиштиришни — меҳнат унумдорлиги, тадбиркорликни қўллабқувватлар эди. «Тажрибамдан кўрдимки, — деб ёзган эди у «Тузу к л ар» сўз бошисида, ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳибби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши мингминглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яқиндир. Чунки тажрибали бир киши минг кишига иш буюради» (50).

Маълумки, Амир Темур даврида ҳунармандларнинг аксарияти шаҳар бозорлари майдонларида истиқомат қиларди. Амир Темур шаҳар бозорларининг савдо майдонларини жиҳозлашгагина эмас, балки хориждан келган савдогарларга ентиллик туғдириш учун ҳар бир шаҳарда карвонсаройлар курдириб, улар ўзлари келтирган молларни сақлашига алоҳида эътибор берган. Бунда Самарканд ва бошқа шаҳарларнинг ўз маблағларидан ташқари, марказий девондан кўшимча маблағ ажратишга яқиндан ёрдам кўрсатган.

Амир Темурнинг шахси ва фаолиятига ижобий баҳо берган мақолалардан бири И. Слуцкийнинг “Темурлангни ҳимоя қилиб” («В защиту Темирлана») номли мақоласидир. Бу мақола “Туркестанский курьер” газетасининг 1909 йил 104сонида ҳамда “Туркестанский сборник”нинг 508жилдида босилиб чиқди. И. Слуцкий мақолада Амир Темур ҳақидаги “На рубеже” газетасида берилган мақолага эътироз билдиради. Чунки бу газетада, И. Слуцкий таъбири билан айтганда, “буюк Темурланг руҳига бўҳтон ёғдирилган эди”¹. У ўз фикрини қуйидагича исботлайди: “Темурланг Шарқнинг бутун дунёга машҳур илм аҳллари, меъморларини бир жойга тўплади. Самарқандда амалга оширилган ишлар ҳозиргача кишиларни

¹Ўша жойда. Бу ҳақда яна қаранг. Арслонзода Р., Раҳматиллаев Х., Жабборов М., Шарафиддинов А. Образ Амира Темура на страницах “Туркестанского сборника”. ФГУ Научный вестник, 1996г., №3. С.28.

хайратга солмоқда. Осиёнинг ярмига ҳукмронлик қилган Темурлангнинг ташаббуси билан унинг қўл остидаги насронийлар ҳам, бутпарастлар ҳам ва мусулмонлар ҳам ўзаро тинчтотув муносабатда бўлишган. У савдосотик, саноатга ҳомийлик қилган, унинг даврида Самарқандга Пекин, Ҳиндистон, Генуя, Венециядан савдогарлар келиб туришган. Чунки унга қарашли барча вилоятларда карвон йўллари хавфсизлиги таъминланиб, кароқчилик йўқотилган эди. Ўзига хос ягона кутубхона асосчиси, меъморлар, олимлар, шоирлар, саноат ва барча тинч фуқаролар ҳомийси бўлган Темур Кўрагон тарихда юксак маъқега эга ва уни варварлар йўлбошчиси, деб аташ мумкин эмас”.² Кўриниб турибдики, И. Слуцкий Амир Темурнинг кўплаб ижобий хислатларини таъкидлаган. У Соҳибқироннинг илм аҳллари ва меъморларга, савдогарлар ва ҳунармандларга ҳомийлик қилишини эслатиб ўтади. Лекин унинг энг эътиборни жалб этадиган, бошқа муаллифларда учрамайдиган фикри Амир Темур давлатида насронийлар, будпарастлар ва мусулмонларнинг тинчтотув яшаганлиги ҳақидаги баёнидир. Тарихий манбаларда ҳам бу тўғрида деярли маълумот учрамайди. Лекин, шунга қарамай, ҳар ҳолда Самарқандга келтирилган ҳунармандлар орасида насронийлар, будпарастлар ҳам бўлган, деб тахмин қилишимиз мумкин. Улар Самарқандда қайси динга эътиқод қилишган, мажбуран ислом динига ўтказилганми ёки ўз динларига бемалол эътиқод қилганларми? Бу ҳақда манбаларда аниқ маълумотлар йўқ. Манбалардан фақат Ибн Арабшоҳнинг “Амир Темур тарихи” асарида Темур аскарлари орасида турли дин вакиллар бўлганлиги айтилади. Бу ҳақда ибн Арабшоҳ бундай ёзади: “Темур аскарлари орасида будпараст турклар, оловга сажда қилувчи мажусий ажамлар, қоҳинлар, сеҳргарлар, золимлар, мункирлар бор эди. Будпарастлар ўзларининг санамларини кўтариб юрар, қоҳинлар эса ўз каломларини сажь

² Туркестанский сборник. Т. 508, С.72

³ Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи.2-китоб.-Т.: Мехнат, 1992. Б.96.

билан ифода қилардилар”³ Ибн Арабшоҳнинг маълумотларига эҳтиёткорлик билан ёндашиш, танқидий ўрганиш зарурлиги қатъий хулоса чиқаришга имкон бермайди. И. Слуцкий рус тарихчиси Т.Н. Грановскийнинг фикрларига ва испан элчиси Клавихонинг шу тўғридаги маълумотларига таянган бўлиши мумкин. Чунки улар ҳам Самарқанд шаҳрида оловга сиғинувчи ҳиндлар мусулмонлар билан бирга яшаганликларини таъкидлаб ўтганлар.¹

Н.Г. Павлов Амир Темурнинг фан ва маданиятга ҳомийлиги, Самарқанд шаҳрини дунёдаги энг гўзал шаҳарга айлантирганлиги ҳақида бундай ёзади: “Темур фан ва санъатни ҳурмат қилган. Унинг саройида буюк кишилар: шоирлар, ёзувчилар ва олимлар йиғилган бўлиб, улар Темурланг назарида биринчи ўринда турган. Темурлангнинг пойтахти Самарқанд ўз ҳукмдори ҳаёти даврида ўз даврининг кўзга кўринган шаҳри эди”.⁴

Амир Темур нархлар устидан назорат ўрнатган, хорижий савдогарларнинг муайян нархларда мол харид қилишларини таъминлаган. Бу тадбир Марказий Осиёда ҳунарманд ва деҳқонлар етиштирган маҳсулотларнинг бошқа мамлакат бозорларида муносиб ўрин эгаллашига ёрдам берган, бу борада хорижий савдогарлардан олинадиган закот ва тамға тўловлари ҳам назорат да бўлган.

Амир Темур давлати молиясининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гап борар экан, унинг молиявий сиёсатини бошқа давлат раҳбарларининг молиявий сиёсати билан қиёслаш бу хусусиятлар ҳақида яққол тасаввур беради. Жумладан, тарихшунос олим А. Якубовский Амир Темурнинг XI асрда ўтган йирик ҳукмдор Маҳмуд Ғазнавий билан солиштирма таҳлилини баён этган. Унинг фикрича, «иккалалари ҳарбий тадбирларда бирбиридан қолишмайди... аммо Султон Маҳмуд бошқа мамлакатлардан йиғиб келган

¹ Тамерлан: Эпоха... Ўша нашр. С.408. Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқанддаги Амир Темур саройига саёхат кундалиги(1403-1406 йиллар). Русчадан О. Тоғаев таржимаси//Санъат, Т.,1990, №9, Б.23.

⁴ Туркестанский сборник. Т. 497, С.61-62.

бойликларни ғазнавийлар давлатининг хўжалик ишларига сарфламади. Амир Темур бошқача эди. У яхши ҳисобкитобли раҳбар эди».

Султон»Маҳмуд Ғазнавий Амир Темурнинг акси эди. Тарихшунос Мирхонднинг хотираларига Караганда, султон вафотидан икки кун олдин ҳаёти давомида тўплаган барча олтинкумуш, қимматбаҳо тошлар, олтин динарлар билан тўлатилган беҳисоб бойликни кенг бир майдонга келтириб қўйишларини буюрган ва ўз бойликларидан узок вақт кўз узолмай, бирдан хўнграб йиғлаб юборган. Кейин, бирон динарига тегмай, барча бойликларни хазинага қайтаришни буюрган.

Шунингдек, Амир Темурнинг марказлашган давлат тузиш йўлидаги фаолияти юзасидан В.В. Бартольд берган қуйидаги хулоса ҳам жуда муҳимдир: “Темур доимо давлат тартиби ғояси тарафдори эди. Бирбирига қарши турган майда ҳокимликлар мавжудлигида бу тартибни амалга ошириб бўлмас эди”¹ Шунинг учун ҳам у Мовароуннаҳрда майда ҳокимларга қарши изчил марказлаштириш сиёсатини олиб борди. Бу курашлар натижасида марказлашган давлат барпо этиб, Мовароуннаҳрдаги нафақат сиёсий, балки иқтисодий ва маъданий юксалишга шароит яратди. Чиндан ҳам бундай юксалиш фақат Амир Темур хоҳлаган “давлат тартиби» ғоясини амалга оширилгандагина юз бериш мумкин эди.

В.В. Бартольд Амир Темурнинг шахсий фазилатлари ҳақида ҳам қатор ижобий фикрлар билдиради. У Соҳибқироннинг туркий тилдан ташқари форс тилини ҳам яхши билишини, олимлар билан кўплаб суҳбатлар қурганлигини таъкидлайди. “Олимлар билан кўплаб мулоқотлар қилиш туфайли у маълум илмий билимларга эга бўлди ва ҳатто тарих соҳасидаги билимлари билан Ибн Халдунни ҳайратда қолдирди. Ўша даврдаги энг моҳир шатранж усталари билан дона сурарди, меъморлар эса иншоотларни бунёд этиш чоғида Амир Темурнинг бадиий тасаввурларини амалда тадбиқ этишлари

¹ Темур ва Улуғбек даври тарихи. Ўша нашр. Б. 33.

зарур эди”², деб ёзади. В.В. Бартольднинг юқоридаги фикрлари Ибн Арабшоҳнинг “Ажойибал мақдур” номли асарида ҳам ўз тасдиғини топган. Мисол тариқасида Ибн Арабшоҳнинг қуйидаги сатрларини келтирамиз: “Темур олимларга меҳрибон бўлиб, сайиду шарифларни ўзига яқин тутарди.”³ Албатта, В.В. Бартольднинг Амир Темурнинг олиму уламоларга бўлган ижобий муносабати тўғрисидаги фикрлари Ибн Арабшоҳнинг маълумотларига асосланган.

В.В. Бартольднинг Амир Темур даври меъморчилиги хақида қарашлари ҳам диққатга сазовордир. У Амир Темур ва темурийлар даври меъморчилигини мусулмон дунёси меъморчилигининг энг яхши намунаси деб билади. В.В. Бартольд бу давр меъморчилиги ўз ўлчамлари жиҳатидан форс намуналаридан анча юқори турганлигини таъкидлайди. Муаллиф Амир Темур қурдирган мухташам бинолар ва уларни қуришда Соҳибқироннинг шахсан ўзи иштирок этиши унинг юксак бадиий дид эгаси бўлганлигини кўрсатади, деган хулосага келади. В.В. Бартольд Темурнинг бунёдкорлик фаолиятини, яъни у барпо этган ажойиб боғларни, қаздирган суғориш иншоотларини, айниқса, Амир Темур ўзлаштириш мумкин бўлган ерларнинг бирор қаричини ҳам бекор ётишига йўл қўймаслигини баён қилар экан, буларнинг барчаси уни ҳайратга солганлигини тан олади. Буюк олим Соҳибқирон боғлари оддий фуқаролар учун ҳам сайлгоҳ бўлиб хизмат қилганлигини, фуқаролар бу боғларда дам олганликларини айтиб ўтаркан, “Темур ўз империясининг маъданий аҳолиси учун бегона жаҳонгир бўлиб қолмаган”,⁴ деган хулосага келади. Шу ўринда Ибн Арабшоҳнинг Темур боғлари хақидаги маълумотларига таяниб, В.В. Бартольд қарашларининг тўғрилигига яна бир қарра ишонч ҳосил қиламиз.¹

² Бартольд В.В. Сочинения. Т.2. Ч.1. -М.: И.В.Л. 1963. С.160.

³ Ибн Арабшоҳ. Ўша асар. 2-китоб. Б. 69.

⁴ Бартольд В.В. Сочинения. Т.2. Ч.2. -М.: И.В.Л., 1964. С.60.

¹ Ибн Арабшоҳ. Ўша асар. 2-китоб. Б.83.

² Мўминов И. Ўша асар. Б.43.

В.В. Бартольднинг баъзи бир қарашлари, жумладан, Соҳибқирон истилоларининг мақсадлари ва сабаблари ҳақидаги мушоҳадаларида ғализликлар бор. Масалан, у “Темурнинг ҳарбий юришлари унинг шуҳратпарастлиги билан боғлиқ, шох ҳокимиятига бўлган юксак ҳавас истилочилик юришларини бошлашга олиб келди”, деб ёзади.³ Бу фикрларни баён қиларкан, В.В. Бартольд мазкур масаланинг сиёсий стратегик ҳамда ижтимоийиқтисодий томонларига эътибор бермаган. Бу билан В.В. Бартольд Темурнинг истилочилик юришларини фақат унинг шуҳратпарастлиги билан боғлашга интилади. Қатор тарихий манбалар ва илмий адабиётларда эса Амир Темур истилочилик юришларининг кўплаб сиёсий ва иқтисодий сабаблари бўлганлиги эътиборга олинади. Мисол тариқасида И.П.Петрушевскийнинг Чингизхондан фарқли ўлароқ Темур истилочилик юришларининг асосида “маълум иқтисодий режа бор, яъни ЕвропаОсиё савдосидаги қарвон йўллари устидан тўлиқ назорат ўрнатишга интилиш ётар эди”, деган фикрини олиш мумкин.⁴ Амир Темур ҳарбий юришларининг йўналиши ҳам унинг сиёсий стратегик ҳамда ижтимоийиқтисодий мақсадларини кўрсатиб беради. Шунингдек, Амир Темур бу ҳарбий юришлари давомида сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган шаҳарларни ўз яқинларига топширганлигини кўрамыз. Амир Темур шундай шаҳарлардан бирини ўз амирларидан бирига бергани тўғрисида Клавихо шундай деб ёзади. “Бундай қилишига сабаб қалъа яхши мустаҳкамланган ва катта даромад келтирадиган жойда жойлашган, яқин атрофни қўриқлаб турар, хилмахил моллар Сурияга, Туркияга, бошқа томонларга шу ердан ўтар эди”.⁵

³ Бартольд В.В. Тимур// Энциклопедический словарь “Брокгауз-Ефран. Том- XXXIII. - СПб., 1901. С.195.

⁴ Ўша жойда

³ Бартольд В.В. Сочинения. Т.2. Ч.I.-М.: И.В.Л. 1963. С.732-б.

⁴ История Ирана. -М., 1977. С.162.

⁵ Руи Гонзалес де Клавихо. Дневник путешествий в Самарканд ко двору Темура (1403-1404гг.) Перевод со старо испанского. - М., 1990. С.66.

Амир Темур ҳарбий юришларида савдо йўлларига катта аҳамият берган. Йўллар тармоғи Туркистон шаҳарларини Эрон, Хитой, Кавказorti, Туркия, Волгабўйидаги савдо марказлари билан боғлаган. Иқтисодда савдо қандай аҳамиятга эга эканлигини Амир Темур яхши тушунарди. Кўплаб юришларида савдо соҳасида ўз рақибларини бартараф этишни асосий мақсад қилиб қўйган эди. Соҳибқирон бирор шаҳарни эгаллаганида, уни савдо мақсадларида фойдаланиш имкониятлари, халқаро савдодаги ўрни, бу шаҳардан олиш мумкин бўлган савдо божининг миқдори нуқтаи назаридан баҳолаган. Кўришиб турибдики, Амир Темур истилочилик юришларининг асосида “жаҳонгирлик ҳаваси” эмас, балки аниқ сиёсийиқтисодий сабаблар, мақсадлар бўлган. В.В. Бартольднинг ўзи ҳам бошқа бир жойда Амир Темурнинг ҳарбий юришларида иқтисодий масалалар анча муҳим аҳамият касб этган, деган фикр билдириб, ўзини ўзи рад қилади.¹

Хуллас, Амир Темур узбек давлатчилигида молия тизими соҳасида илғор йўналишлар ва усулларни жорий қилди. Темурнинг молия стратегияси иқтисодий стратегиянинг таркибий қисми сифатида марказлашган йирик салтанатни барпо қилиш ва мустаҳкамлашда аҳамиятга эга бўлди. Амир Темур даврига қадар хазинани идора қилиш фақат даргоҳ тамойилига асосланган бўлса, унинг даврига келиб даргоҳ ва вазирлик тамойиллари биргаликда қўшиб олиб бориладиган бўлди, маҳаллий ва марказий молия маҳкамаларининг ҳуқуқлари ва вазифалари қайтадан кўриб чиқилди, хазина даромадлари солиқли ва солиқсиз даромадларга ажратилди. Шу билан бирга молия соҳасида бир қанча сифат ўзгаришлари содир бўлди.

Буларнинг бари мамлакатнинг иқтисодий ва маъданий жиҳатдан мустаҳкамланишига, унинг халқаро мавқеининг ошишига фаол таъсир кўрсатди.

¹ Темур ва Улуғбек даври тарихи. Ўша нашр. Б. 30. Қаранг: I-изоҳ.

Рус олими Д. Н. Логофет таъкидлашича, Амир Темур молиявий масалаларда ҳам қатъий тартиб ўрнатган. Ҳозирги кунда кенг тарқалган даромад солиғи унинг ҳокимиятида ўшандаёқ мавжуд эди.

Амир Темурнинг иқтисодиёт, айниқса молия масалалари билан чуқур шуғулланганлиги Европада араб Монтекееси номини олган машҳур иқтисодчи олим Ибн Халдун томонидан кенг эътироф этилган. Амир Темурнинг Ибн Халдунга берган саволлари унинг иқтисодиёт илми доирасида юксак теранлик ва бой тажрибага эга эканлигини кўрсатган.

А.Ю. Якубовский Амир Темур шахси ҳақида ҳам жуда кўп ижобий фикрлар билдирган. У “Темур катта ҳарбий ташкилотчилик талантига, кучли ирода ва ҳукмдорлик даҳосига эга эди”, деб таъкидлайди.⁸ Темур мураккаб феодал жамиятни бошқаришда жуда муҳим ролг ўйнаганлиги, ўзининг катта феодал давлатини қаттиққўллик билан тутиб турганлиги ҳам муаллиф томонидан қайд этилади.¹ Шунингдек, А.Ю. Якубовский Амир Темур билимни, айниқса амалий фойда келтирувчи билимни кадрлаганлигига, тиббиёт, астрономия, математика ва айниқса, меъморчиликка қизиққанлигига эътибор беради.²

У Соҳибқиронни тарих фанига қизиққанлигини эслатиб ўтаркан, Ҳофиз Абру маълумотларига таянган ҳолда турк, араб ва эронликлар тарихини яхши билганлигини қайд этади.³

А.Ю. Якубовский Амир Темурнинг меъморчилик соҳасидаги бунёдкорлик фаолиятига ҳам эътибор қаратади, Соҳибқирон томонидан Самарқанд, Шаҳрисабз ва Туркистон шаҳарларида барпо этилган меъморчилик обидаларига юқори баҳо беради. Муаллифнинг назаридан Амир Темур барпо этган боғлар ҳам четда қолмаган. А.Ю. Якубовский бу боғлар ҳақида алоҳида тўхталиб, улар Шарқ меъморчилигининг энг юксак намуналари бўлганлигини таъкидлайди. Соҳибқироннинг меъморчилик,

⁷ Якубовский А.Ю. Ўша асар. С. 67.

¹ Якубовский А.Ю. Ўша асар. С.71-72.

² Ўша жойда.

³ Якубовский А.Ю. Ўша асар, С.72

бунёдкорлик фаолияти европалик Клавихони ҳайратда қолдирганини эслатиб ўтади.⁴

Шунингдек, А.Ю. Якубовский Амир Темур ишлаб чиқарувчи кучлар ва меҳнат ресурсларига катта эътибор берганлигини, Мовароуннаҳрга дунёнинг турли бурчакларидан олимлар, уламолар, санъаткорлар ва хунармандларни кўчириб келтиргани ҳолда, Мовароуннаҳрдан биронбир ижтимоий фойдали меҳнатга лаёқатли бўлган кишининг чиқиб кетишига йўл қўймаганлигини алоҳида таъкидлайди.⁵ Бу ҳолатни Амир Темур Мовароуннаҳрнинг бутун иқтисодий ва маъданий салоҳиятини бунёдкорлик, ўлка равнақи йўлида сарфлашга, жипслаштиришга уринганлигидан, деб ҳам баҳолаш мумкин.

А.Ю. Якубовский Амир Темурни Маҳмуд Ғазнавий билан қиёсларкан, умрининг асосий қисмини истилочилик юришларида ўтказган Ғазна хукмдори тўплаган беҳисоб бойликлар давлат равнақи учун сарф этилмаганлигини таъкидлайди. Соҳибқирон ҳақида эса қуйидагиларни баён қилади: “Темур эса бошқа гап, у яхши ҳисобдаги хўжайин сифатида қийматга эга ҳамма нарсани Мовароуннаҳрга, унинг бир ўзи қўлида тутиб турган улкан салтанатнинг марказига ташир эди. Бу ерга у фақат турли бойликларни келтириш билан чекланмади. У асир қилиб олинган мутахассислар хунармандлар, рассомлар, меъморлар, олимлардан янада кўпроқ фойдаланди Мовароуннаҳрда бундай мутахассислар озлиги учун эмас, балки янги маъданий кучларнинг келиб кўшилиши, хунармандчиликнинг ривожланишига, санъат ва илмнинг юксалишига хизмат қилади, деб ҳисоблаганлиги учун шундай йўл тутди”¹. Умуман олганда, А.Ю. Якубовский Темурни чуқур зиддиятларга эга бўлган шахс, деб билади ва уни Ўрта Осиёдаги фаолиятини ижобий баҳолайди.

⁴ Ўша жойда

⁵ Ўша жойда

¹ Якубовский А.Ю. Ўша асар. С. 61.

Қудратли буюк давлат барпо қилган Амир Темур бундай давлатнинг иқтисодий жиҳатдан равнақ топишини ғалабаларга олиб келувчи ҳарбий юришлар билангина таъминлаб бўлмаслигини яхши хис этарди. Мовароуннахрнинг марказида, стратегик жиҳатдан қулай жойлашган Самарканд шаҳрини пойтахт сифатида танлар экан, у Буюк Ипак йўлида жойлашган, Узок Шарқни мусулмон дунёси ҳамда Европа билан боғловчи бу шаҳар улуғвор иншоотлари, дабдабали саройлари, сарой ақлининг тантанавор кийимлари билан меҳмонларни хайратга солиши лозим, деб ҳисобларди. Бундан ташқари, Самарканд азалдан илмфан ва маърифат маркази бўлиб келганди. Мўғуллар даврида шаҳарнинг илмий ва маъданий анъаналари бузилганди. Шу боис ҳукмдор шаҳарнинг ўша анъаналарини қайта тиклаш орқали юқорида кўзлаган мақсадига эришишга жазм қилди.

Бунга Мовароуннахрни иқтисодий ва сиёсий ҳаёт марказига айлантирибгина эришиш мумкин эди. Бунинг учун эса Ғарб мамлакатлари билан Хитой ўртасида ўтмишда мавжуд бўлган асосий карвон йўлларини тиклаш ва жонлантириш зарур эди.

Амир Темургача бўлган даврда феодаллар ўртасидаги жанжаллар ва ўзга четдан тезтез бўлиб турадиган босқинлар туфайли Олтин Ўрдадан Шарқ мамлакатларига олиб борадиган карвон* йўллари инқирозга учраган эди. Эгей ва Урта денгиз соҳилларидан то Хитой чегараларигача, Дашти Қипчоқдан Арабистон денгизигача бўлган ораликда улкан салтанат барпо этиб, Соҳибқирои, аввало Буюк Ипак йўлининг карвон сўқмоқларини босқинчилар ҳужумидан муҳофаза қилди.

Ғарбий Эрон, Ироқ, Сурия ва Шарқий Анатолияда босқинчилар айниқса кўп эди. Бунгача ана шу мамлакатлардан ўтадиган йўллар хавfli бўлганлиги учун нафақат савдо карвонлари қатнови, балки мусулмонлар учун фарз ҳисобланган ҳаж амалини бажариш ҳам амри маҳол бўлиб қолган эди.

Буюк Ипак йўлининг ёпилиб қолган карвон сўқмоқлари Амир Темур иқтидори шарофатидан қайта тикланиши туфайли Мовароуннахрга турли

мамлакатлардан сармоя ва мол оқиб кела бошлади. Бунда, биринчи навбатда, Мовароуннахрнинг Самарканд, Бухоро, Аксикент, Андижон ва Бонгқа шаҳарларидан чиққан савдогарлар фаол қатнашдилар.

Юртимиз савдогарларини Хитой, Ҳиндистон, Қрим, Кичик Осиё ва Шимолий Африканинг пойтахт шаҳарлари портларида кўриш мумкин эди.

Савдосотикнинг жадал ривожланиши бу минтақа тараққиётини кўп жиҳатдан илдамлаштирди. Хазина тўла бошлади. Амир Темур имкон қадар ички савдога ҳам, ташқи савдога ҳам қулай шароит яратди. и

Урта асрларда савдо билан дипломатия уйғунлашиб кетган эди. Савдо ва дипломатия муносабатларини кенгайтириш мақсадида Амир Темур карвон йўлларини ободонлаштирди. Манзиллар ва карвонсаройлар барпо этди. У пойтахтга ёки ҳарбий ўрдуга кетаётган савдогар ва элчиларнинг бетўхтов юриши учун шароит яратилишини талаб қиларди. Шу мақсад| да карвон йўлларида жорий этилган ёмчилик (аравакашлик) хизмати ҳарбий интизомга бўйсундирилди. Чунончи, ҳар 30 , чақирим масофада бир неча ём отлари билан ёмчи (аравакаш) турган.

Клавихонинг шоҳидлик беришича, агар бирор сабаб билан ём отлари бўлмай қолса, у ҳолда элчи истаган йўловчининг, ҳатто давлат арбобининг ҳам отини олиб қўйиш ҳуқуқига эга эди. Келтирилган бу далил Амир Темур давлатининг ҳамма ерида ёмчилик хизмати яхши йўлга қўйилганлигини ҳамда алоқа йўллари ишончли ва хавфсиз эканлигини кўрсатади: «Уларга (Кастилия элчиларига) тез юриш учун ҳар куни янги отлар беришарди, чунки, (буюк) сеньорнинг (Амир Темурнинг) буйруғи билан ҳар бир кунлик йўлда от сақланадиган жойлар ҳозирланган, бир жойда — юзта, бошқа ерда икки юзта от бўлиб, унинг юртидаги барча йўллар то Самарқандгача шундай тартибда эди.

Агар сеньор кимнидир бирон ерга юборадиган бўлса ёки кимдир унинг ҳузурига келаётган бўлса, улар бу отлардан фойдаланиши ва отлар кечаю кундуз тез чопиши керак эди. Одамсиз йўлларда ҳам, аҳоли зич яшайдиган жойларда ҳам отлар тайёр турарди. Кимсасиз жойларда сеньор яқинроқдаги

шаҳар ва қишлоқлар аҳолиси от ва озиқовқат келтирсин, деб катта қарвонсаройлар қурдирган. Отларни парваришлаб турувчи махсус одамлар бўлиб, улар анчо (ёмчи) деб юритилган.

Шундай қилиб, подшога хабар келтирган чопарларнинг отлари эгаржабдуқларидан ечилиб, бошқа, дам олиб турган отлар билан алмаштирилди. Чопарлар кетаётганларида анчолардан бирикки киши уларнинг отларига қараб борарди. Улар подшо отлари турган навбатдаги бекатга етиб келганларида илгари алмаштирган ўз отларини олиб қайтишади ва йўловчига бошқа анчо ҳамроҳлик қилади

Шунга қарамай, йўлда бирор от баногоҳ ҳориб қолса, дуч келган бошқа бир йўловчини отидан тушишга мажбур қилардилар ва отини олиб қўйиб, подшо отларини дам олишга қолдирадйлар. Уларнинг одати шундайки, агар бирор отлиқ йўлда кетаётган бўлса, у элчи (буюк) сеньорнинг ҳузурига кетаётган одамга отини бериши шарт, чунки у сеньорнинг ҳузурига кетаяпти ёки унинг буйруғини бажараяпти. Мабодо йўловчи эътироз билдиргудек бўлса, у бу беодоблиги учун боши билан жавоб беради, зеро сеньорнинг буйруғи шундай.

Лозим бўлса, ҳатто аскарларнинг ҳам отлари олиб қўйилади. Бу (Кастилия) элчилар ўзлари ва ўз одамлари учун бир неча марта шундай отларни олиб қўйиб, у л арии (эгаларини) отларни қайтиб олишлари учун ўз ортидан келишга мажбур қилганлар.

Айтадиларки, агар керак бўлса, нафақат оддий одамларнинг, балки ҳатто сеньорнинг катта ўғлининг ҳам отини олиш мумкин бўлган. Элчиларга айтдиларки, аввал шундай бир воқеа бўлган: буюк сеньорнинг ҳузурига кетаётган элчилар унинг катта ўғлини отидан тушишга мажбур қилганлар. Фақат бу йўлгина эмас, балки унинг бутун мамлакатадаги йўллар шундай отлар билан таъминланган.

2.2 Солиқ ва молия тизимидаги қонунбузарликлар ва уларга қарши кураш тарихидан

Амир Темур даврида ҳам солиқ ва молия ишлари устидан вақти –вақти билан назорат ўтказиб турилган. Мисол учун қуйидаги воқеаларни тилга олишимиз мумкин.

“етти йиллик уруш”дан қайтаётган Соҳибқирон Шохрух Мирзонинг суюрғоли бўлган Хуросон мулкидан солиқийғишни Ҳожа Фахриддин Аҳмад Тусийга топширади ва у марказий ҳукумат хазинасига қирқ кунда икки юз туман кепакий маблағ топширади.¹² Айнан шу хизмат учун Ҳожа Фахриддин Аҳмад Тусий Ҳожа Шарофиддин Али билан бирга Самарқанд девонига раҳбар этиб тайинланади. Низомиддин Шомийнинг Ҳожа Шарофиддин Али тўғрисидаги маълумотлари ҳам қизиқарли: “Аллақандай ғаразчиларнинг бўҳтони сабабли, анча вақтдан буён қамокда ётган вазирлик сершоҳ дарахтининг бир шохи бўлмиш Ҳожи Шарофиддин Али Симноний жанобий олийларига марҳамат қилди ва унга яна ўша мансабини инъом этди. Чунки айғоқтафтишчилар қанчалик талашибтортишмасинлар, унинг Хуросон, Ироқи Ажам, Қумс ва Мозандарон (ўлкаларида) мутлақ ҳоким бўлиб турганлиги юзасидан ҳатто бирор динор миқдорида қамомад кўрсата олмадилар”¹³ Келтирилган парчадаги ўлкалар бошқа шахсларнинг суюрғоллари бўлганлиги сабабли Низомиддин Шомий таъкидлаган “мутлақ ҳоким” иборасини, назаримизда, ўша ўлкалардан солиқларни йиғиш ва хазинага қилиш бўйича жавобгар шахс деб тушуниш тўғри бўлади.

Юқорида келтирилган далилларга таяниб, суюрғол қилиб берилган ҳудудларда ҳам солиқ йиғишни назорат қилиш, бошқариш марказий ҳукумат амалдорлари ваколатига **маълум маънода** тегишли бўлган, деб хулоса қилиш мумкин. Шунингдек, Амир Темур фарзандларининг суюрғоли бўлган вилоятларда ҳам хизмат вазифаларини

¹² Низомиддин Шомий. Ўша асар.Б. 391.

¹³ Низомиддин Шомий. Ўша асар. Б. 392.

яхши бажармаган доруғаларни жазолайверган. Бу ҳақда Шарафиддин Али Яздийда шундай маълумот бор: “... Чечакту эли, Абак Телбаким, аларнинг доруғаси эрди, келиб шикоят қилдилар. Ўшул замон ҳукм бўлди: аёғларини тешиб, ип ўткариб, боши тубон осдилар”.¹⁴ Чечакту тумани Шоҳрух Мирзонинг суюрғоли бўлган Хуросон вилоятига қарашли эканлигини назарда тутсак, Амир Темур суюрғолларнинг суд ва маъмурий ишларига ҳам аралашган, ўз ўрнида аҳоли ҳам ўз муаммолари бўйича тўғридан тўғри Соҳибқиронга мурожаат қилган, деган хулоса келиб чиқади.

Шоҳрух мирзо даврида ҳам девон бошлиқлари бирнеча бор алмаштирилган. Ҳатто бир сафар Шоҳрух мирзонинг суюкли ўғли Бойсунғур мирзо девон бошлиғи этиб тайинланган ва девонда қаттиқ текширув ўтказилган.

Навбатдаги йирик ҳукмдор Абу Саид Мирзо давридаги ҳолатлар бўйича тарихий манбадан бир қанча мисоллар келтиришни лозим топдик. Абу Саид мирзо ўз ҳукмдорлик йилларида бир неча бунёдкорлик ишларини олиб боришга ҳам ҳаракат қилади. Унинг фармони билан Ҳирот шаҳридаги Намозгоҳ ҳам обод қилинган. Бу ҳақида тарихчи Абдураззоқ Самарқандий шундай ҳикоя қилади: “Тажрибали меъморлар, чуқур билимли қурувчилар, синчков муҳандислар, ишончли саркорлар ишга киришиб ҳар бир шикастни текшириб билишга киришдилар; ер курраси меъмори (қуёш) баланд осмон тепасидан тупроқ мулкларини обод қилмоқ учун фалаклар деворига қадам қўйган ҳар тонгда ҳар бир ҳунар аҳли алоҳида бир ишга киришиб, фалак янглиғ ҳаракатдан тўхтамади ҳамда зар сочувчи палла (қуёш) муадил аннаҳор меъёри (экватор чизиғи)дан оғиб, астасекин ғарб уфқиға ўтиргунигача эзгулик ҳақини тўлаш савобига эришиши орзуси билан қўлдан қўймадилар ва Хаммалари мақтовли саъйҳаракатларидан хурсанд ҳам савобли ишларидан рози бўлишиб, ўз манзилларига қайтишар эди. Шу тарзда, Хожа Шамсуддин Муҳаммад соҳиби девон нинг ўғли Камолуддин

¹⁴ Шарофуддин Али Яздий. Ўша асар. Б. 288.

Мирак Ҳусайннинг жидду жаҳд кўрсатиши билан у бино ғоятда ҳуснли ва гўзал, яшнаган ва тарзда тамомланиш кийимию тугалланиш беағига ўралди. Ўша эътиборга сазоворлиги билан замона амирларининг саромади амир Жалолуддин Сайид Мазид баҳодир фармонга мувофиқ Нирату ҳисорини камал қилишга кетган эди, шу оснода (Ҳиротга) қайтиб келди. Вазирлик олий мансаби унинг қоматига мослаб тикилган жома бўлмиш соҳиби аъзам, бутун оламдаги доно вазирларнинг ҳужжати, яна бир бор девон тўрига ўтирбарча жузъий ва куллий заруриятларни ҳал этиб, бошқарув жилов ва қўлга киритишу тарқатиш ихтиёри унинг қобилият кафтию донолик панжасига тутқазилди. У ҳам давлат пойлиги унинг қўлловисиз мумкин бўлмаган гўзал тадбир билан эсон мамлакати ишларига қайтадан ривож келтирди ва тиснинг ҳозирлиги унинг дастёрлигисиз ақлга сиғмайдиган рақам чекувчи қалам кўмагида бузғунчилик оловию гардини пасайтирди ҳамда уддабурунлик маҳорати ва эҳсон беришдаги ҳайбати билан зироат ва иморат ишларига киритди, бутунлай харобаликка юз тутган Хуросон мамлакатини андак фурсатда обод қилди.»¹⁹

Шунингдек Абусаидмирзо деҳқончиликни тараққий эттириш учун ҳам бир қатор ишлар олиб борди. Бу ҳақида тарихий манбаларда бир қатор маълумотлар учрайди. Мисол учун Ҳиротда машҳур Нирату қалъасини бўйсундириш учун бу ерга ташриф буюрган Абу Саид Мирзо қалъатрофида экин экиш мумкин бўлган анчагина ерлар қаровсиз эканлигига эътибор қаратади ва бу ерларни обод қилишни буюради. Бу ҳақида ҳам Абдураззоқ Самарқандий шундай ҳикоя қилади: “ бу қалъанинг сурати нурли хотир ойнасида бағоят мустаҳкам кўринди. Ҳисорнинг атроф чеккаларида зироаткор ерлар кўп бўлганлиги ва «у ернинг зироати юз чандон ҳосил беради» деган сўз шуҳрат топганлиги учун, у ҳазрат «Малик Носир Симноний ҳар ерда зироатчилик қилиш имкони бўлса, уруғлик ва ҳўкизлар

¹⁹ Абдураззоқ Самарқандий ўша асар. Б. 529

бериб экинзорга айлантисин» деб буюрди ҳамда «ҳисорга кўп захира киритсинлар ва қалъадорлик яроқаслаҳаларини тартибга келтириб, муҳайё қилсинлар», деган олий фармон содир бўлди. Хожа Ҳасан анбордор кутволликга муқаррар қилинди. Сўнг зафардан дарак берувчи байроқлар доруссалтана Ҳирот томон қайтди, офтобсиймо байроқнинг оyi давлат қуёшининг чиқиш ерига ўз шоҳона соясини ташлади ва улуғлик саропардаси офтоб куббасига бош тиклади. (Абу Саъид) зулҳижжа ойининг иккинчисида (30 сентябрь 1459) дорулмулкга қайтиб келди. Мисра: (Эй сен) келгин, подшоҳнинг зафарли байроғи етишди.»²⁰

Шунингдек, Абу Саид мирзо давлат ичида тартиб ўрнатиш, солиқларни ўз вақтида ва тўғри олинисини тартибга солишга ҳам уринди. У бир неча бор бу ҳақида алоҳида фармонлар ҳам берган. Ҳазрат хилофат паноҳий (Абу Саъид) бир неча бор у раҳбарликга лойиқ ҳазратнинг в и с о қ и га бориб, (у зотнинг) файзбахш хотири ва офтобдек равшан замиридан тўла фойдаланиб нодир дурлар касб этди, ҳазрат хожа ирода этган илтимосларнинг барчасини подшоҳона лутф қабул марҳамати билан безантди. Жумладан, катта бир маблағни ташкил этиб келган Самарқанд ва Бухоро тамғоси мутлақо бекор қилинди ва бу ҳақда жаҳон бўйсунувчи ҳукмлар битилди. Султон ҳазратлари коинот кўзгусини зулм зулматидан адлу дод сайқали билан равшан этмоқ учун ўз қўлидаги бутун мамлакатларда т а м ғ о ва барча (шариат) манъ этган (йиғимларни) бекор қилишга заъда берди. (1234) Хожа жаноблари рабиъ алаввалнинг ўн гиринчисида (25 декабрь 1460) саломатлигу саодат билан Мовароуннаҳр томон отланди. Мисра: У қай ерга бормасин, худоё ўзинг саломат саклагин!

Шу ойнинг охирида (13 январь 1461) соҳиби аъзам Хожа Музаффар Хожа Мухтор Сабзаворий, мавлоно Неъматуллоҳ Кўҳистоний ва Хожа Камолуддин Мавлоно Амир Самарқандийлар соҳиби девон (лавозими)га тайинландилар. Рабиъсоний ойининг тўртинчисида (17 январь 1461)да

²⁰ Абдураззоқ Самарқандий ўша асар. Б. 545

Хожаиззуддин Шерозий ва Хожа Мавлоно Амирлар Мовароуннаҳр мамлакати идора қилмоқ учун жўнадилар. Ҳазрат паноҳий бутун илтифотини райиятлар парваришига қаратиб: (ҳосил) етилишидан илгари раиийат устига ҳеч бир нарса ҳавола қилинмасин, агар зарурат юзасидан (ҳавола қилиш) воқе бўлса, асосий молнинг икки донгидан ортиқ олинмасин; молни уч топқир талаб қилинсин: бири саратонда (июнь ойи), иккинчиси сунбула ва мезонда (август сентябрь ойлари), қолгани — қавсда (ноябрь). Харажатларни токи тўла шарҳдари билан арз қилинмагунча ва подшоҳона ҳукм содир бўлмагунча харжлашга бошламасинлар. Агар бунга хилоф иш тутилса, девон аҳллари қатлга маҳкум бўладилар²¹.

Солиқлар соҳасидаги қуйидаги маълумот ҳам қизиқарлидир. Унда Абу Саид мирзони шишилиш солиқ солиш борасида фармон бергани, бу фармон халқни оғир аҳволга солиб қўйгани, баъзи бир амалдорлар эса бу фармондан бойлик орттириш мақсадида фойдалангани, лекин улар кейинчалик жазоланиб, халқдан ноҳақ тортиболинган бойликлар қайтариб берилганлиги ҳикоя қилинади. “Ҳазрат хилофат паноҳий (Султон Абу Саъид)нинг байроғи офтоби Хуросон мамлакати устига ўз соясини ташлагач ва илоҳий мадад туфайли мулк душманини мағлубиятга учратгач, зафарнишон мавкаб Мозандарон мамлакати томон равон бўлди. Сарахс вилоятида Мирзо Султон Ҳусайн қалъага қўйиб кетган бир гуруҳ кишилар онҳазрат (Султон Абу Саъид)нинг талъати офтобига тоб келтиролмай, зарра янглиғ саросима ва беқарорликга тушдилар ҳамда аҳду паймон тузилгач ташқарига чиқдилар. Онҳазратнинг кўзи Сайид оқога тушгач, ҳумоюн хотирда илгари ундан ранжиш бўлганлиги туфайли дарҳол уни қатл қилишга фармон берди, (1250) бошқаларга нисбатан шафқат кўрсатди. Сўнг у шамол тезлигида Астробод томон жўнади.

²¹ Абдураззоқ Самарқандий ўша асар. Б. 567

Лашкар Мовароуннаҳрга юриш қилиб, керакяроқлар жиҳатидан тангликга тушиб қолганлиги ва лашкар маоши учун бирор ердан келадиган нақд (пул) йўқлиги сабабли «қадимги дастур бўйича лашкар зарб, номбардор ва жиҳолий (йиғимларини) доруссалтана Ҳиротдан, булуклар ва вилоятлардан тўпласинлар ҳамда тожирлардан нимаики ундира олсалар, қарз расми бўйича олсинлар» деган ҳумоюн фарфон содир бўлди.

Райиятлар бир қанча муддат қамал захматини тортиб шаҳарни мудофаа қилганликлари ва молмулк ҳам жиҳотлагини ташқарида душманга қолдирганликлари туфайли, эндиликда подшоҳона илтифотдан иноят назарини кутмоқда эдилар, бироқ бу сурат бошқача бир тарзда юз кўрсатди. Бу йиғимлар райият жароҳатига сепилган туз эди; бечоралар аҳарҳол адо этишга кўндилар. Соҳиби аъзам Хожа Муъиззуддин Шерозий кўп зулм ўтказди ва қарз баҳонаси билан тожирлар ва бошқалардан маблағлар олди. Ҳазрат хилофат паноҳий хабардор бўлиб туриш ва бирор кишига зулм етказиб ундан ортиқча (маблағ) йиғишга йўл қўймаслик учун дастури аъзам Хожа Шамсуддинни Ҳиротга юборди. Унинг келиши ҳақиқатан ҳам аҳоли жароҳатига марҳам бўлди. Мазкур йиғимлардан тўпланган хазинани Шайх Али Аҳмад муғул сарроф орқали Ҳиротга юбордилар. Фазилатлар эгаси бўлмиш мавлоно Шамсуддин Али алФорсий Хуросондаги вазият шарҳини арз этмоқ учун Мозандарон мамлакати томон юзланди Жаҳонни забт этувчи лашкар (1251) Мозандарон мамлакатига киргач, Мирзо Султон Хусайн журъат кўрсатиб, Астробод шаҳридан ташқари чикди ва Харосхона қаряси ва Султонобод саҳросигача илгари юрди. Аммо унинг лашкари зафарпаноҳ сипоҳга нисбатан жуда ҳам оз бўлганлиги ва қарши туриш амри маҳол эканлиги туфайли мирзо Султон Хусайн юриш жиловини, балки қочиш тулпорини ўзининг қадим бошпанаси Адоқ юрти томон бурди ва хайлу хашам ҳам ноғораи байроқдари билан саломат қутилиб кетди. Голиб лашкар униб кетидан кўп қувлаб борса ҳам, чангига ҳам ета олмади. Онхазрат (Султон Абу Саъид) шуҳратли Астробод шаҳрига йўл ва бир неча кунни

айшишратда ўтказди.»²² “Мозандарон мамлакати муҳим ишлари давлатхоҳ бандалар истагига мувофиқ тарзда саранжом топгандан кейин олампадох подшоҳ давлату саодат жиловини салтанат тахти ва халифалик қароргоҳи (Ҳирот) томон бўшатди. Мубашширлар Хуросон, Мовароуннаҳр ва Туркистон мамлакатларига саодат асарли хабарларни етказдилар ва у шаҳар ҳам диёрларнинг барчасида шодиёна ноғораси садосини осмон авжилан ўтказдилар. Ҳумоюн мавқаб қайси диёргаки бориб етмай, у ноҳият боғи адолат суви билан гулшандек яшнади, бидъат конунқоидалари ўчирилиб, шариат ниҳоли раванқ топди. Халифаликга мансуб узангилар Кусуя қасабасига етгач, «о м и л лар девон молини бу аъмолдан ортиқча олганлар», деб арзга етказдилар. «Ортиқча олганлари ҳар бир нарсани хазинадан райиятга қайтариб берсинлар», деган олий фармон содир бўлди. Сўнг ғалаба нишонли байроқлар Соқ Салмон ноҳиясига келиб тўхтади, ақобирлару шариф кишилар қўл ўпиш шарафи билан саодатга эришиб, подшоҳона илтифотлару хусравона иноятлар билан сарафроз бўлдилар. (Мирзо Султон Абу Саъид) раби ассонийнинг йигирма учинчисида (25 январь 1462) саодату комронлик онларида Боғи Сафидга келиб тушди.

Ҳазрат хилофат паноҳий йўл ҳорғинлигидан бир неча кун ором олганидан сўнг ғалаба ёр байроқлар сафарда эканлигида воқе бўлган аҳвол ва кечмишларни тегишлича суриштириб билди. Маълум бўлишича жаноб Хожа Муъиззуддин лашкар зари ва номбардор олган вақтида зулм ўтказиб ортиқча (йиғинга) кўп йўл кўйган, бир қанча маблағни пора сифатида олган, шунингдек (1256) тожирлардан қарз тарзида (маблағ) йиққан Шайх Аҳмад сарроф ҳам кўп одамларни ёзган ва (буйруқни) ўзгартирган экан. Бу аҳвол шарҳи арз ерига етишгандан кейин аъло раъй уларни бошқа бебоклар учун ибрат бўладиган бир тарзда ҳалок қилишга қарор берди. Ҳумоюн ҳукмга биноан Шайх Аҳмадни Малик дарвозасида терисини шилиб қаттиқ азоблаб ўлдирдилар, эртаси куни Хожа Муъиззуддинни ҳисор этагида ҳазрат хоқони

²² Абдураззоқ Самарқандий ўша асар. Б. 587

саъид (Шохрух)нинг мадраса ва хонақоси рўбарўсида сув қайнаб турган қозонга ташладилар: у ҳаёт шуъласи ўчгунга қадар қайнади. «Бундан кейин Ҳиротдан ва булуқлардан номбардор зари талаб қилмасинлар ва йиғмасинлар, бирор махлуқга шу (йиғим) жиҳатидан зулм ўтказмасинлар, (бу ҳақда) тош устига бир нишон битсинлар ва жоме масжидида муносиб бир ерга ўрнатсинлар» — деган қатъий нишон содир бўлди. Буйруққа биноан амал қилдилар. У яхшилик истовчи подшоҳ ҳаёт банди (тирик) экан бу ҳукмни ўзгартириб бекор қилмади.

Шу вазият асносида бир гуруҳ кишилар соҳиб девон бўлиб турган Хожа Музаффари Хож Мухтор талай маблағни (ўзлаштирганлиги) ҳақида сўз айтдилар ва у ҳар турли нуқсон ва рости ёлғон суистеъмол туфайли девондан бекор қилинди (унинг) гарданига бир қанча маблағ юкладилар. Бир неча йиллар мирзо АбулҚосим Бобур девонида ишлаган, амон диёнатда мактовли ва маъруф бўлган жаноб соҳиби аъзам Хос Қутбуддин Товус Симноний девон (мансаби)га ўтирди; Хожи Шаҳобуддин Исмоил Хўжоний ҳам девон бўлди. Улар бунинг қобилиятлилик намуналарини зоҳир қилдилар.»²³

Султон Ҳусайн Байқаро даврида солиқлар сабабли халқ кўзғолони ҳам бўлиб ўтган. 1469 йил 11 сентябрда Султон Ҳусайн Бойқаро ўз аскарлари билан Ҳиротдан чиқиб, Машҳад орқали Астрободга юради. Чинорон мавзеида Ёдгор Муҳаммад Мирзо қўшини билан тўқнашиб, жанг бошланади. Жанг асносида ҳар икки томондан кўплаб қурбонлар берилиб, жанг Султон Ҳусайн Бойқаро ғалабаси билан интиҳосига етади. Султон Ҳусайн Ҳиротга қайтиб, шаҳар чеккасидаги Боги Сафедда қўшинлари билан қишлайди.

Айни вақтда Ҳиротда айрим амалдорларнинг айби билан халқ кўзғолон кўтаради. Султон Ҳусайн Бойқаро кўзғолоннинг сабабини текшириш учун Алишер Навоийни Ҳиротга юборади. Алишер Навоий кўзғолончиларга

²³ Абду раззоқ Самарқандий ўша асар. Б. 578

Султоннинг фармонини ўқиб эшиттиради. Мазкур фармонда фуқаро талаби қондирилган эди.

Хулоса

Амир Темур ва Темурийлар давлатида солиқ тизими мавзусини ўрганиш натижасида қуйидаги асосий хулосаларни билдиришни лозим топдик

- Амир Темур давлатида қонун устиворлиги тўлиқ таъминланган бўлиб, Соҳибқироннинг фикрича бу давлат мустаҳкамлигининг асоси эди.
- Қонун олдида барчанинг тенглиги таъминланган, қонунни бузган шаъзодалар, йирик давлат арбоблари ҳам халқ олдида очиқ ойдин жазоланган.
- Солиқ тизимида қуйидаги идоралар ва лавозимлар муҳим ўрин тутган.
- Девон – давлат молия ишларининг идора қилувчи асосий муассаса ҳисобланган.
- Дафтар – кирим-чиқим, ҳисоб мажмуаси бўлиб асосий расмий ҳужжат эди.
- Дафтардор – молия ҳодими ҳисобланиб, барча турдаги кирим-чиқимлар билан шуғулланиб, уларни дафтарда қайд этиб боровчи шахс.
- Сарроф – пул алмаштирувчи бўлиб, ўша даврдаги турли давлатлар тангаларни ўз қийматига мос равишда алмаштириб бериш билан шуғулланган.
- Амир Темур давлатида солиқ ва мажбуриятлар 3 турга бўлинган:
 - 1 – солиқлар.
 - 2 – тўловлар.
 - 3 – мажбуриятлар.

- Амир Темур даврида солиқ тизимининг асосий тамоиллари сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин:
- Солиқ юкини ошиб кетишига йўл қўймаслик.
- Экин ерларининг ҳосилдорлигидан келиб чиқиб солиқ белгилаш.
- Янги очилган ерларга солиқ имтиёзини бериш.
- Хароб ерларни обод қилиш ёки иқтисодий фаолиятини бошламоқчи бўлганларга моддий ёрдам бериш.
- Солиқ йиғишда зўравонликка йўл қўймаслик.
- Солиқ дафтарларини доимий назорат қилиб бориш.
- Амир Темур давлатида молия тизими тўла шаклланган бўлиб, бу соҳа устидан қаттиқ назорат ўрнатилган ҳамда маълум бир муддат давомида текширувлар ўтказиб турилган.
- Бу ҳақида Низомиддин Шомий ҳам ўзининг “Зафарнома” асарида тўхталиб ўтган: “Аллақандай ғаразчиларнинг бўҳтони сабабли, анча вақтдан буён қамокда ётган вазирлик сершоҳ дарахтининг бир шохи бўлмиш Ҳожи Шарофиддин Али Симноний жанобий олийларига марҳамат қилди ва унга яна ўша мансабини инъом этди. Чунки айғоқтафтишчилар қанчалик талашибтортишмасинлар, унинг Хуросон, Ироқи Ажам, Қумс ва Мозандарон (ўлкаларида) мутлақ ҳоким бўлиб турганлиги юзасидан ҳатто бирор динор миқдорида камомад кўрсата олмадилар”.
- Машҳур рус шарқшуносларидан бири А.Ю. Якубовский ҳам Амир Темур давридаги солиқ тизими ҳақида бир қатор фикрлар билдирган. Жумладан, у Амир Темурнинг ички сиёсати ўзи суянган кўчманчи ва ўтроқ феодал зодагонлар манфаатларига мос бўлиб, у ўзининг буюк империясини суюрғол тарзида

бўлиб юборганлигини, айнан шу омил ҳам салтанатнинг парчаланишида муҳим роль ўйнаганлигини таъкидлаб ўтган.

- Лекин унинг суюрғол эгасининг ҳуқуқлари тўғрисида фикрлари бир оз ошириб юборилган. Мисол учун, у суюрғол эгаси солиқ, суд ва маъмурий соҳаларда мустақил бўлган ва марказий ҳукумат амалдорларининг унинг ҳудудига кириши таъқиқланган, деб ёзади. Лекин манбаларда суюрғол ҳудудларидан ҳам солиқни марказий ҳукумат вакиллари йиғиб олганлиги ҳақида баъзи маълумотлар бор.
- Жумладан, “етти йиллик уруш”дан қайтаётган Соҳибқирон Шохруҳ Мирзонинг суюрғоли бўлган Хуросон мулкидан солиқ йиғишни Ҳожа Фахриддин Аҳмад Тусийга топширади ва у марказий ҳукумат хазинасига қирқ кунда икки юз туман кепакий маблағ топширади.
- Юқорида келтирилган далилларга таяниб, суюрғол қилиб берилган ҳудудларда ҳам солиқ йиғишни назорат қилиш, бошқариш марказий ҳукумат амалдорлари ваколатига маълум маънода тегишли бўлган, деб хулоса қилиш мумкин.
- Шунингдек, Амир Темур фарзандларининг суюрғоли бўлган вилоятларда ҳам хизмат вазифаларини яхши бажармаган доруғаларни жазолайверган.
- Мирзо Улуғбек хирож солиғини камайтириб, тамға солиғини кўпайтирган. У бу билан деҳқончиликка солинадиган солиқ юки, йирик савдога солинадиган солиқ юкининг ошириш ҳисобига камайтирган.
- Мирзо Абдулатиф, Абу Саид мирзо даврларида тамға солиғи бекор қилинган. Шунингдек, Абу Саид мирзо ўзаро урушлар даврида пайдо бўлган барча янги солиқ ва тўловлар бекор қилган.

- Султон Хусайн Байқаро даврида эса солиқларнинг нотўғри олинаётганлиги натижасида Ҳиротда кўтарилган кўзғолон Алишер Навоийнинг аралашуви билан тўхтатилган ва солиқ йиғувчилар жазоланган.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Каримов И.А. Эҳтиром: Соҳибқирон Амир Темур ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанада сўзлаган нутқ. 1993 йил. 31 август // Ўзбекистон : миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Ж.1.Т., 1996. Б. 360362.
2. Каримов И.А. Амир Темур давридаги бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бизга намуна бўлаверсин. ЮНЕСКО қароргоҳидаги «Темурийлар даврида илмфан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» кўргазмасининг очилиш маросимида сўзланган нутқ. 1996 йил 24 апрель. Париж. // Бунёдкорлик йўлидан. Ж.4.Т., 1996. Б. 331340.
3. Каримов И.А. Халқимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаётдир: Темурийлар тарихи давлат музейининг очилиши маросимида сўзлаган нутқ. 1996 йил 18 октябрь // Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Ж.5. Т., 1996. Б. 166171.
4. Каримов И.А. Азалий буюклик маскани: Самарқанд шаҳрида Амир Темур ҳайкалининг очилиш маросимида сўзлаган нутқ. 1996 йил 18 октябрь // Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Ж.5. Т., 1996. Б.171175.
5. Каримов И.А. Соҳибқирон камолга етган юрт: Шаҳрисабз шаҳрида Амир Темур ҳайкалининг очилиш маросимида сўзлаган нутқ. 1996 йил 18 октябрь // Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Ж., 1996. Б.175179.
6. Каримов И.А. Адолат ва қудрат тимсоли. 1996 йил 18 октябрь // Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Ж. 5. Т., 1996. Б. 179 181.
7. Каримов И.А. Амир Темур фахримиз, ғуруримиз: Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференциясидаги маъруза, 1996 йил 24 октябрь // Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Ж.5. Т., 1996. Б. 179181.
8. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ: Тарихчи олим ва журналистлар билан суҳбат. // Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Ж.7.–Т., 1999. Б. 132155.
9. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч – Т.: Ўзбекистон, 2008.
10. Амир Темур фахримиз, ғуруримиз. Т.: Ўзбекистон, 1998. 208 б.
11. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаъ уссаъдайн ва мажмаъ улбаҳрайн. / Форс – тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли луғатлар тарих фанлар номзоди А. Ўринбоевники. Т.: Фан. 1969. 463 б.
12. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. II Жилд. 1 қисм. 1405 – 1429 йил воқеалари // Форс тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифи А. Ўринбоев. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 632 б.
13. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. II Жилд. 23 қисмлар. 1429 – 1470 йил воқеалари // Форс тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифи А. Ўринбоев. Географик

- номлар изоҳли кўрсаткичи О. Бўриев. Тарихий шахс, воқеа ва атамаларга изоҳ беришда Ғ. Каримов ва Э. Миркомиллов иштирок этишди. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 832 б.
14. Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида: (Рисола) /Б.Аҳмедов, У.Уватов, Ғ.Каримов ва бошқалар. Т.: Ўқитувчи, 1996. 312 б.; лотин алифбо. 2009
 15. Гийасаддин Али. Дневник похода Тимура в Индию / Пер. с перс., предис. и примеч. А.А.Семенова. – М.: Вост., 1958. 207 с.
 16. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи /Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳларни У.Уватов тайёрлаган. Маҳсул муҳаррир А.Ўринбоев. Т.: Меҳнат, 1992. 1к. 328, 2к. 192 б.
 17. Шомий Низомиддин. Зафарнома/Форс тилидан ўгирувчи – Ю. Ҳакимжонов. Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир – А. Ўринбоев. Изоҳлар ва луғатларни тузувчи – Ҳ. Кароматов (жуғрофий номлар изоҳи – О. Бўриевники). Ҳофизи Абрунинг «Зафарнома»га ёзган «Зайл»и – («Илова»)ни форсийдан ўгирувчи ва изоҳлари тузувчи – О. Бўриев. Т.: Ўзбекистон, 1996. 528 б.
 18. Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқанддаги Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (14031406 йиллар). /Русчадан О. Тоғаев таржимаси//Санъат, 1989. №912; 1990, №110.
 19. де Клавихо Рюи Гонзалес. Буюк Амир Темур тарихи (14031406) / Испан тилидан У.Жўраев таржимаси // Амир Темур Европа элчилари нигоҳида. Т.: Ғофур Ғулом номидаги нашриётматбаа ижодий уйи, 2007. – 208 б.
 20. Темур тузуклари /Форсчадан Алихон Соғуний ва Ҳабибулло Кароматов таржимаси; Б. Аҳмедов таҳрири остида. Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. 144 б.
 21. Темурийлар бунёдкорлиги давр манбаларида / Таҳрир ҳайъати: М.М. Хайруллаев, А. Ўринбоев, О. Бўриев; Тузувчилар: А. Ўринбоев, О. Бўриев. – Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1997. – 168 б.
 22. Фасих Хавафи. Муджмали Фасихи. / Пер. предис. примеч. и указатели Д. Ю. Юсуповой. – Т.: Фан, 1980. 346 с.
 23. Яздий Шарафиддин Али. Зафарнома. Мовароуннаҳр воқеалари. 13601370. /Форс тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Омонулло Бўриев. масъул муҳаррир, сўз боши муаллифи ва нашрга тайёрловчи Асомиддин Ўринбоев. Т.: Камалак, 1994. 288 б.
 24. Яздий Шарафуддин Али. Зафарнома. /Сўз боши, тадбил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи ва нашрга тайёрловчилар: А.Аҳмад, Ҳ.БобобековТ.: Шарқ, 1997. 384 б.
 25. Амир Темур жаҳон тарихида.Т.: Шарқ, 1996. 295 б.
 26. Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари (қадимги ва ўрта асрлар). Т.: Ўқитувчи, 1991. 352 б.

27. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Т.: Ўқитувчи, 1994. 432 б.
28. Аҳмедов Б. Амир Темур. Т.: Мерос, 1995. 640 б.
29. Аҳмедов Б. Амир Темурни ёд этиб. Т.: Ўзбекистон, 1996. 368 б.
30. Бартольд В.В. Сочинения. Т. II. Ч. 2. Работы по отдельным проблемам истории Средней Азии. М.: Изд. вост. лит. 1964. – 657 с.
31. Всемирная история. Т. III. М.: Госполитиздат, 1957. 896 с.
32. Иванин М. Икки буюк саркарда. Чингизхон ва Амир Темур. Т.: Фан, 1994. 240 б.
33. Кэрэн Л. Амир Темур салтанати. Т.: Маънавият, 1999. 224 б.
34. Лидский С. Великие завоеватели Средней Азии: Александр Двурогий и Тимур Хромой // Туркестанские ведомости. 1889. №5,6.
35. Муҳаммаджонов А. Темур ва темурийлар салтанати. Т.: Қомус, 1996. 128 б.
36. Павлов Н.Г. Тимур // Павлов Н.Г. История Туркестана в связи с историческим очерком сопредельных стран (Персии, Афганистана Белуджистана, Индии и Восточного Туркестана). Т., 1910. С.1216.
37. Строева Л.В. Возвышение Тимура (1360-1370 гг) // Научный бюллетень Ленинградского гос. Университета. Л., 1945. № 4. С. 2628.
38. Строева Л.В. Сербедары Самарканда. // Уч. Зап. ЛГУ. Серия востоковедческих наук. Л., 1949. Вып 98. С.6487.
39. Строева Л. В. Возникновение государства Тимура // Уч. Зап. ЛГУ. Серия востоковедческих наук. Л., 1952. Вып 3. № 128. С.6487.
40. Тамерлан: Эпоха. Личность. Деяния. / Составление, обработка и подготовка текста. Р. Рахмоналиева. М.: Гураш, 1992. 544 с.
41. Темур ва Улуғбек даври тарихи. Т.: Қомус, 1996. 264 б.
42. Файзиев Т. Темурийлар шажараси. Т.: Ёзувчи, 1995. 352 б.
43. Холбеков М. Амир Темурнинг Европа қироллари билан ёзишмалари – Самарқанд: Мерос, 1996. 40 б.
44. Хожиев Э.Х. Амир Темур ва темурийлар рус тарихшунослигида // “Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни” мавзусидаги халқаро конференция тезислари. 1996 йил 23-26 октябрь. Т., 1996. Б.101-102.
45. Череванский В. Амир Темур. Болалиги. Жанговар йўли. Вафоти. Т.: Ёзувчи, 1993. 224 б.
46. Якубовский А.Ю. Образы старого Самарканда (Время Темура) // Восток. Кн. 5, М. Л., 1925. С. 140 – 163.
47. Якубовский А.Ю. Самарканд при Тимуре и Тимуридах. Очерк., Л.: Гос. Эрмитаж. 1933. 68 с.
48. Якубовский А.Ю. Тимур (Опыт краткой характеристики) // Вопросы истории. 1946. № 89. С 4274.
49. Якубовский А.Ю. Из истории падения Золотой Орды // Вопросы истории. 1947. № 2. С. 3045.
50. Якубовский А.Ю. Государство Тимура. // История Узбекской ССР. Т. 1, Кн. 1. Т., 1955. С. 313-334.

51. Якубовский А.Ю. Государство Тимура. // История Узбекской ССР. Т.1. – Т.,1967. С. 435-508.
52. Якубовский А.Ю. Средняя Азия в XIII-XV вв. // Очерки истории СССР. М., 1953. С.648-679.
53. Раҳматуллаева А. Амир Темур салтанати тарихшунослиги – Т.: Фан ва технология, 2010. Б. 96.